

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ HÁM ORTA
ARNAWLÍ BILIMLENDIRIW MINISTRILIGI**

**ÁJINIYAZ ATÍNDAGÍ NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ**

ILIM hám JÁMIYET

Ilimiy-metodikaliq jurnal

**Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat
pedagogika instituti**

FAN va JAMIYAT

Ilmiy-uslubiy jurnal

**Нукусский государственный педагогический
институт имени Ажинияза**

НАУКА и ОБЩЕСТВО

Научно-методический журнал

**Nukus State Pedagogical Institute
named after Ajiniyaz**

SCIENCE and SOCIETY

Scientific-methodical journal

**№1
2018**

Shólkemlestiriwshi: Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti

Bas redaktor: Q.Orazimbetov - NMPI rektori

Basılım ushın juwaplı redaktor: K.Allambergenov - filologiya ilimleriniń doktorı, professor

REDKOLLEGIYA AǴZALARÍ

Abdinazimov Sh. — filologiya ilimleriniń doktorı, professor
Abdullaeva Ya. — tariyx ilimleriniń doktorı
Allamuratov B. — biologiya ilimleriniń doktorı, professor
Alewov U. — pedagogika ilimleriniń doktorı, professor
Ayimbetov M. — filologiya ilimleriniń doktorı
Ayimbetov N. — ÓzRIA akademigi, ekonomika ilimleriniń doktorı, professor
Bazarbaev J. — ÓzRIA akademigi, filosofiya ilimleriniń doktorı, professor
Xamidov X. - ÓzRIA akademigi, filologiya ilimleriniń doktorı, professor
Xojaniyazov E. — filologiya ilimleriniń kandidatu, docent
Ísmaylov Q. — fizika-matematika ilimleriniń doktorı, professor
Jalelov M. — fizika-matematika ilimleriniń kandidatu
Járimbetov Q. — filologiya ilimleriniń doktorı, professor
Jumanov M. — biologiya ilimleriniń doktorı, docent
Jumamuratov A. — awıl xojalıǵı ilimleriniń doktorı
Kamalov A. — fizika-matematika ilimleriniń doktorı
Qayıpbergenov B. — texnika ilimleriniń doktorı

Qodirov Q. — filologiya ilimleriniń kandidatu, docent
Qochanov B. — tariyx ilimleriniń doktorı, professor
Qochanov Q. — filologiya ilimleriniń kandidatu, professor
Qudaybergenov K. — fizika-matematika ilimleriniń doktorı
Quramboev K. — filologiya ilimleriniń doktorı, professor
Mambetullaev M. — tariyx ilimleriniń doktorı
Mambetullaeva S. — biologiya ilimleriniń doktorı
Matchanov A. — biologiya ilimleriniń doktorı, professor
Matchanov S. — pedagogika ilimleriniń doktorı, professor
Pazilov A. — pedagogika ilimleriniń kandidatu, docent
Paxratdinov Á. — filologiya ilimleriniń doktorı, professor
Saribaev M. — tariyx ilimleriniń doktorı
Tagaev M. — texnika ilimleriniń doktorı
Umarov E. — geografiya ilimleriniń doktorı
Utebaev T. - pedagogika ilimleriniń doktorı
Yavidov B. — fizika-matematika ilimleriniń doktorı

Juwaplı xatker: D.Dogarova

Korrekturanı qarap shıqqan: Z.Xodjekeeva,
A.Qosbergenova

Redaktorlar: f.i.k. E.Xojaniyazov, R.Rzaeva.
Kompyuterde baspaǵa tayarlaǵan: N.Allamuratova

***Qaraqalpaqstan Respublikası Baspasóz
hám xabar agentligi tárepinen
dizimge alınıp, 2007-jıl 14-fevralda
01-043-sanlı guwalıq berilgen.***

***Ózbekstan Respublikası Joqarı Attestaciya
Komissiyası kollegiyasınıń 2013-jıl 30-
dekabrdegi 201/3-sanlı qararı menen
filologiya (qaraqalpaq tili, qaraqalpaq
ádebiyatı), pedagogika hám psixologiya
pánleri boyınsha ilim doktorı dárejesin alıw
ushın maqalalar járiyalanıwı tiyis bolǵan
ilimiy jurnallar dizimine kirgizilgen.***

2018 - JÍL – JEDEL ISBILERMENLIK, INNOVACIYALÍQ IDEYALARDÍ HÁM TEKNOLOGIYALARDÍ QOLLAP – QUWATLAW JÍLÍ

ТӘЛИМ-ТӘРБИЯДА ИННОВАЦИЯ

Қ.Қ.Оразымбетов – *филология илимлериниң докторы, профессор*
Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Хўрметли Президентимиз Шавкат Мираманович Мирзиёев Олий Мәжлиске Мүрәжатында төмендегише пикирлерди айтқан еди: «**Бүгин биз мәмлекетлик хәм жәмийетлик турмыстың барлық тараўларын түп-тийкарынан жаңалаўға қаратылған инновациялық раўажланыў жолына өтпектемир. Бул бийкарға емес, әлбетте. Себеби, заман тез пәт пенен раўажланып баратырған хәзирги дәўирде ким утады? Жаңа пикир, жаңа идеяға, инновацияға сүйенген мәмлекет утады.**

Инновация – бул келешек дегени.

Бул пикир елимиздиң жақын келешекте раўажланыўының стратегиялық бағдарламасы болды, десек, асыра айтқан болмаймыз. Өйткени, соңғы 20-30 жыллықта күшли раўажланыў жолына түскен мәмлекетлердиң хәммеси де буны тийкарынан инновациялық идеяларды, илимди хәм усы тийкарда дөреген жоқары технологияларды турмысқа кеңнен енгизиў арқалы әмелге асырды. Президентимиз тәрәпинен 2018-жылды «Жедел исбилерменлик, инновациялық идеяларды хәм технологияларды қоллап-қуўатлаў жылы» деп аталыўы – бул тек бир жылға берилген атама емес, еле бир нешше жыллар даўамында әмелге асырыўымыз тийис болған ислердиң бағыты деп түсинсек дурыс болады.

Хәр бир тараў өз хызметин усы бағытта алып баратуғын болса, елимиз раўажланыўында жоқары тәлим орынларының орны қандай болады, инновациялық идеялар бере алатуғын, жаңа технологияларды ислеп шығатуғын кадрларды қалай тәрбиялаймыз, деген сораўдың туўылыўы тәбийий.

Жоқары билим бериў мәкемелеринде инновация – бул илим. Соның ушында университет хәм институтларда тәлим беретуғын хәр бир устаз оқытыўшы болыў менен бирге илимпаз, алым болыўы тийис. Мәселен, бизиң институтымыздың профессор-оқытыўшылары көбирек педагогика, хәр бир пәнниң оқытыў методикасы илими менен шуғылланады. Педагог илимпаз пәнниң жетискенликлеринен, теориялық жаңалықлардан хабардар болыўы хәм усы илимди студентлер санасына жеткерий усылларын да терең билиўи зәрүр. Буны педагогика илими деп атайды. Институтымызда илимниң усы тараўын раўажландырыўға кең мүмкиншилик жаратылды. Өткен жылы 20-21 январь күнлери Шавкат Мирамановичтиң республикамызға келиўи хәм республикадағы бар болған проблемаларды үйрениў барысында жоқары оқыў орынлары ушын қарақалпақ тилинде сабақлық хәм оқыў қолланбалары жетеспей-

туғынын есапқа алып усы мақсетке қосымша қаржы ажыратылды. Нәтийжеде институтымыз профессор-оқытыўшылары тәрәпинен 68 оқыў қолланба хәм сабақлықлар жазылып, экспертизадан өтти, көпшилигине сертификатлар берилди хәм баспадан шығарылмақта. Бул жумыслардың быйылғы жылы да даўам етирилип атырғаны куўанышлы жағдай.

Ал, хўрметли президентимиздиң 15-16-декабрь күнлериндеги республикамызға сапары даўамында бизиң оқыў орнымыз профессор-оқытыўшыларының тилек-өтинишлерин есапқа алып Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты базасында педагогика илиминиң еки бағдары бойынша докторлық диссертациялар жақлаў ушын қәнигелестирилген илимий кеңес ашып берди. Буннан бизиң профессор-оқытыўшыларымыз миннетдар болмақта. Өйткени, илим менен шуғылланып жүргенлер өз ана тилинде диссертация ислеўине хәм оны артықша жол қәрежетлерисиз өзиниң оқыў орнында жақлап шығыўына мүмкиншилик жаратылды. Сондай-ақ президентимиз усы сапары ўақтында институтымыздың жаңа имаратының жойбарын да мақуллады. Барлық қолайлықларға ийе заманәғой оқыў имараты, бас бинә, хабар ресурс орайы, спорт комплекси имараты жаңадан қурылатуғыны, барлық оқыў имаратлары менен студентлер турар үйлериниң реконструкция хәм ири оңлаўға түсетуғыны кадрлар таярлаў сапасын арттырыўға бекем тийкар жарататуғыны сөзсиз.

Хәр бир жоқары оқыў орнында илим ислеў ушын орталық хәм қолайлықлар болыўы тийис. Бул ушын бириншиден, кафедраларда илимий мектеп, илимий бәсекилик орталығы жүзеге келиўи зәрүр. Әлбетте, хәр бир кафедрада илимий мектеп жаратылыўы ушын кафедрада өзиниң илимий мектебин жаратқан алым болыўы шәрт. Буны хәр бир кафедраға талап етип қойыў қыйын. Ал, илимий бәсекиликти пайда етиў ушын бир қатар әпиўайы, орынланыўы мүмкин болған талаптарды ислеп қойыўдың өзи жеткиликли. Биринши гезекте кафедрада илимниң ең жоқары талаптары тийкарында жаратылған китаптар болыўы оғада керек. Кафедра баслығы сол тараўдың ҳақыйкый маманы, жанашыры болыўы тийис. Илим жетискенликлеринен хабардар алым ғана жоқары талаптарға жуўап бере алатуғын илим жаратады. Хәр бир кафедра ағзасын, әсиресе, жасларды илимге, инновация жаратыўға бағдарлаў, илиминиң нәтийжесин өндириске енгизиўге, оларға патент алыўға жәрдемлесий, хәр қандай

жаңалық жаратқан авторды өз ўақытында материаллық хэм мораллық жақтан хошаметлеп барыў сөзсиз нәтийже береді.

Өткен жылы институтымыздың өзбек тили кафедрасының баслығы, филология илимлеринин кандидаты Шахло Юлдашова орта мектеплердин 5-класслары ушын өзбек тили пәнинен электрон сабақлық жаратты. Сабақлық ҳәзирги электрон-техниканың мүмкиншиликлеринен толық пайдаланған ҳалда дүзилди. Ол аннимациялық көринислер, гипер силтемелер хэм электрон сабақлықта талап етилетуғын басқа да технологиялар қолланған ҳалда ислеп шығылды. Ең баслысы сабақлық ондағы материалларды оқыўшылардың ийгерип алыўы ушын қолай, балалардың психологиясы, жас өзіншелиги есапқа алынып дүзилген. Сабақлықты институт ректораты Өзбекстан Республикасы халық билимлендириў министрлигине усынды хэм авторға министрлик тәрәпинен патент берилди, мектеплерде бул сабақлықтан пайдаланып оқытыў усыныс қылынды. Әлбетте, институт басшылығы тәрәпинен автор материаллық хэм мораллық жақтан хошаметленди. Нәтийжеде усы автор және де илхамланып, жаңа идеялар үстинде ойланды хэм оқыўшылардан электрон диктант алыў технологиясын ислеп шықты. Бул технологияның абзаллығы сонда, ол балаларды дурыс жазыўға үйретиў менен бирге оны тексерийди де компьютердин өзи атқарады. Бул технология оқыў орынларында, басқа да өзлеринин хызметкерлеринин жазба саўатлығын тексерип көрийге зәрүрият туўылатуғын мәкемелерде биймәлел қолланса болады. Биз ҳәр бир оқытыўшымыздан, илимге енди кирип киятырған жас алымларымыздан усындай инновациялық идеяларды, технологияларды жаратыўын тилеймиз.

Оқыў процессинде инновация дегенде нени түсинемиз? Бул оқытыўшы тәрәпинен сабақ барысын шөлкемлестириў хэм оқытыў, ал студент тәрәпинен сабақтың мазмунын терең өзлестирилиўинин технологиясы. Сабақты өзлестириў түсиниги де жүдә кең. Мәселен, оқытыўшының аудиторияда берген билими студент тәрәпинен сол турысында уғып алыныўы еле толық өзлестирген есапланбайды. Оқытыўшы бир мәселениң шешилиў жолын аудиторияда түсиндиреди. Студент буны уғып алады да екинши бир мәселени тап усы усылда шешип береді. Бул жақсы, әлбетте. Бирақ бундай студенттин баҳасы «үш». Екинши бир студент бул мәселени басқа бир алтернатив усылда шешиўге умтылады. Студент жақсы нәтийже ала алмаса да оның жаңалыққа умтылыўшылығы сезилип турыпты. Ол излениўшең студент. Оның баҳасы «төрт». Ал үшінши студент мәселени шешиў ушын бир нешше алтернатив усылдан пайдаланды хэм унамлы нәтийжеге еристи. Бундай студенттин баҳасы «бес». Бунда оқытыўшының мақсети хэм ўазыйпасы студентти излениўге, жаңалыққа умтылыўға

бағдарлаўдан ибарат екини көринип турады. Бундай студентлерден келешекте жүдә көплеген инновациялық идеялардың авторы өсип жетилистетуғынына исенсе болады. Соның менен бирге, бундай студенттин билими тек оқытыўшының түсиндирген усылын уғып алатуғын студентке салыстырғанда жоқары болатуғынына гүман жоқ.

Жоқарғы оқыў орнында жасларға илим, билим бериў менен бирге оларда жоқары мәдениятты, интелектти қәлиплестириў ўазыйпасы да бар. Демек, тәрбия мәселесинде де жаңаша ойлаў, жаңаша жантасыў талап етиледі. Буның ушын жоқарғы оқыў орнының этирапынан баслап оның ишкериси, ҳәр бир аудитория, дем алыс, дөретийшилик пенен шуғылланатуғын бөлмелер, пән кабинетлери, хабар ресурс орайлар, қуллаасы, студент жоқары оқыў орнында тәлим-тәрбия алатуғын орынлардың хәммеси азада, жоқары талғам менен безелип, инвентарлар орынлы-орнына қойылған болыўлары керек. Буннан студентлер мәдениятты үйренеди, эстетикалық тәрбия алады. Олардың ой-өриси кеңейеди. Ал, оқытыўшылар хэм студентлердин мәдениятты кийинийи, сәлемлесиў мәденияттын ийелеўи де үлкен әхмийетке ийе. Ташкент қаласындағы жоқары оқыў орынларына барсаңыз, студентлердин тусыңыздан сәлемлесип өтийи оларға сондай жарасып хэм мәдениятты жаслар екенин де көрсетип турады. Бизин студентлеримизди де усы мәдениятқа тәрбиялаўымыз зәрүр.

Жоқары оқыў орынларында ҳәр кыйлы пәнлерден, тәлим бағдарларынан илимий дөгереклер шөлкемлестириледі. Бундай дөгереклердин де студентти жаңаша ойлаўға тәрбиялаўда орны үлкен. Мәселен, әдебият бойынша дөгеректе студентке бир шығарманы көркем таллаўға бериў көбирек пайда келтиреди. Студент көркем шығарманы оның мазмунын айтып бериў менен шекленди ме, оны көркем деталлары тийкарында таллады ма, ямаса шығарма авторының көркем нийетин, көркем ойын көре алды ма, оқытыўшы студенттин жұмысын усыған қарай баҳаласа хэм бағдар берсе жақсы нәтийже береді. Бунда студент көркем шығарманы әйтеўир оқыў керек болғанлықтан ямаса үстиртин оқымастан оны түсинип оқыўға ҳәрекет етеди. Бундай жасларда эстетикалық талғам, терең этикалық тәрбия қәлиплеседи. Студентте интелект тәрбия, сезгирликтин пайда болыўында бул усылдың да нәтийже беретуғыны көп ғана илимпазлар тәрәпинен атап өтилген. Соның менен, бирге әдебиятты сүйген, оның менен жолдас болыўды әдет еткен жасларда ўатан сүйийшилик сезимлеринин күшли болатуғыны да күнделикли турмысымызда көринбекте.

Қуллаасы, биз жоқары оқыў орынларында инновациялық орталықты қәлиплестириўди тәмийинлеўимиз зәрүр. Өйткени, тәлим-тәрбиядағы инновация – бул келешекке инвестиция киритийимиз есапланады.

TÁBIYIY HÁM TEXNIKALÍQ ILIMLER

Fizika. Matematika. Texnika

FIZIKA FANIDAN MASALALARNI YECHISHDAGI IKKITA YONDASHUV HAQIDA

M.Alatinov – fizika-matematika fanlari nomzodi

T.Utemuratov – assistent o'qituvchi

A.Qidirniyazov – assistent o'qituvchi

Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: mayatnik, prujinali mayatnik, tebranishlar davri, Nyuton qonuni.

Ключевые слова: маятник, пружинный маятник, период колебаний, закон Ньютона.


Key words: the pendulum, spring pendulum, the period of fluctuations, Newton's law.

Fizika fanidan masalalarni yechishda ikkita yondashuv mavjud bo'lib, u matematik va fizik yondashuvlardan iboratdir.

Oldin matematik yondashuv asosida prujinali mayatnik-osillyatorning tebranishlar davri formulasini keltirib

chiqaramiz. Bikrligik bo'lgan prujunaga m massali yuk osilgan sistema ossillyator berilgan bo'lsin. Hosil bo'lgan tebranishlar davrini aniqlaymiz:

Nyutonning ikkinchi qonuniga asosan $F = -kx$, yani

	$mx'' = -kx,$ $mx'' + kx = 0,$ $x'' + \frac{k}{m} x = 0$
---	--

Agar $\omega_0^2 = \frac{k}{m}$ deb olsak, unda

$$x'' + \omega_0^2 \cdot x = 0, \quad \text{chunki } \frac{k}{m} > 0.$$

Bu differensial tenglamani yechib topamiz:

$$x = x_0 \cdot \cos(\omega_0 t + \varphi).$$

Bu yerdan tebranishlar davrini aniqlaymiz:

$$T = \frac{2\pi}{\omega_0} = 2\pi \sqrt{\frac{m}{k}}.$$

Matemaik yondashuvda, ko'rinib turganiday, murakkab matematik tushunchalardan foydalanishga to'g'ri keladi.

Endi xuddi shu natijani fizik yondashuv asosida keltirib chiqaramiz.

Fizik yondashuv asosida intuitsiya yotadi, ya'ni tebranishlar davri (T) faqat prujinaning bikrligiga (k) va yukning massasiga (m) bog'liqligi intuitiv his qilinib, boshqa ikkinchi darajali parametrlar e'tiborga olinmaydi.

Demak,

$$T = C \cdot m^\alpha \cdot k^\beta,$$

Bu yerda $C = \text{const}$, α va β -aniqlanishi kerak bo'lgan parametrlar.

O'lchamlar nazariyasiga asosan

$$[T] = [C] \cdot [m]^\alpha \cdot [k]^\beta,$$

ya'ni

$$1 \cdot c = 1 \cdot 1 kg^\alpha \cdot 1 \frac{H}{M^\beta} = 1 \cdot kg^\alpha \cdot kg^\beta \cdot c^{-2\beta}$$

Bu yerdan

$$\begin{cases} \alpha + \beta = 0, \\ 1 = -2\beta \end{cases}$$

Bu sistemani yechub topamiz: $\beta = -\frac{1}{2}, \quad \alpha = \frac{1}{2}.$

Shunday qilib

$$T = C \cdot \sqrt{\frac{m}{k}}$$

Ko'pincha davriy jarayon kuzatilgani uchun $C=2\pi$

deb olinadi, ya'ni

$$T = 2\pi \cdot \sqrt{\frac{m}{k}}.$$

Ba'zi bir masalalarni yechishda C koeffitsientning qiymatini bilishning ham ahamiyati yo'q.

Masalan, Yer va Oydagi bir xil matematik mayatniklarning tebranishlar davrini taqqoslash masalasini olaylik.

Bu yerda xuddi oldingidek fikr yuritib quydagiga ega bo'lamiz:

$$T = C \sqrt{\frac{L}{g}}$$

Bundan

$$\frac{T_{oy}}{T_{yer}} = \frac{C \cdot \sqrt{\frac{L}{g_{oy}}}}{C \cdot \sqrt{\frac{L}{g_{yer}}}} = \sqrt{\frac{g_{yer}}{g_{oy}}},$$

Yani C-koeffitsienti qisqarib ketar ekan.

Fizik yondashuv asosida masalalarni yechganda biz murakkab matematik apparatsiz kerakli natijaga ega bo'lishimiz mumkin.

Fizik yondashuv asosida masalalarni yechish ko'pgina buyuk olimlar ijodiga xos bo'lgan.

Masalan, buyuk fizik Nils Bor o'zining kvantlash qoidasini shu yondashuv asosida topgan edi.

Adabiyotlar

1. Detlaf A.A., Yavorskiy B.M. Fizika kursi. -M.: 1989.
2. Sultonov N.A. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. -T.: «Fan va texnologiya», 2007, 304-b.

РЕЗЮМЕ

Maqolada fizika kursidan masalalarni yechishda mavjud bo'lgan ikkita yondashuv berilgan. Matematik yondashuvda murakkab matematik tushunchalardan foydalanish, fizik yondashuv asosida masalalarni yechganda murakkab matematik apparatsiz kerakli natijaga ega bo'lish haqida so'z yuritiladi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются два подхода при решении задач из курса физики. Следует отметить, что в математическом подходе используются сложные математические понятия. Отмечается тот факт, что при решении задач по физике можно достичь желаемого результата без сложных математических аппаратов.

SUMMARY

In the article the two approaches of solving the problems in the course of Physics are considered. In the mathematical approach there are used complex mathematical concepts. It is necessary to point out that in solving tasks in Physics there is another approach we can achieve the desired results without the complex mathematical apparatus.

BIR JINSLI EMAS DIELEKTRIK BILAN TO'LDIRILGAN KONDENSATOR ELEKTR SIG'IMINI HISOBLASH

B.Yavidov – fizika-matematika fanlari doktori

N.Ashirova, H.Qalbaeva, S.Sultanov – fizika va astronomiya o'qitish metodikasi ta'lim yo'nalishi talabalari
Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: elektr sig'im, kondensator, bir jinsli emas dielektrik muhit, kondensator elektr sig'imini topish metodikasi.

Ключевые слова: электрическая ёмкость, конденсатор, неоднородная диэлектрическая среда, методика нахождения электрической ёмкости конденсатора.

Key words: electrical capacity, capacitor, inhomogeneous dielectrically medium, method of finding the electrical capacity of capacitor.

Kundalik turmushimizda elektr energiyasini o'zida saqlovchi asbob va qurilmalarning ahamiyati tobora ortib bormoqda. O'zida elektr energiyasini saqlovchi asbob va qurilmalarning eng avvalgisi va soddasi kondensatorlar deb atalishi barchamizga maktab saboqlaridan ma'lum. Kondensatorlar haqida dastlabki tushunchalar va bilim o'rta umumta'lim maktabi fizika darsliklarida berilib, keyinchalik akademik litsey, o'rta maxsus kasb-hunar ta'lim kollej va oliy ta'lim fizikasi darslarida bu bilimlar chuqurlashtiriladi va keng qamrovda bayon etiladi. Kondensatorlar haqida o'quvchilarga tushuncha berish, ularning ishlash jarayonini o'rganish va o'rgatish, berilgan bilimlar negizida o'quvchilarda amaliy ko'nikma yaratish va rivojlantirish, bilimni amaliyotga tadbiq etish orqali insonlar hayotining qaysidir qismi uchun foydali manba yaratish fizika fanining asosiy maqsad va vazifalaridan biri hisoblanadi. Bunda yaratilgan kondensatorlarning o'lchamlarini iloji boricha kichiklashtirish, elektr sig'imlarini esa kattalashtirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Kondensator ikkita o'tkazgichdan iborat bo'ladi. Agar o'tkazgichlar orasiga dielektrik muhit joylashtirilsa, kondensatorda yanada ko'proq zaryad to'plash imkoni tug'iladi. Ushbu o'tkazgichlar kondensator qoplamalari deyiladi. O'tkazgichlar orasidagi muhit bir jinsli, ya'ni dielektrik singdiruvchanligi o'zgarmas bo'lsa, bunday kondensator o'zgarmas muhitli kondensator deyiladi. Agar o'tkazgichlar orasidagi muhit bir jinsli bo'lmasa, ya'ni muhitning dielektrik singdiruvchanligi o'zgaruvchan bo'lsa, kondensatorning bunday turi o'zgaruvchan muhitli kondensator deyiladi. Fizika darslarida kondensatorlar haqida aytib o'tilganda, ularning elektr sig'imi, turlari, ketma-ket va parallel ulangan kondensatorlar sig'imi haqida o'quvchilarga ma'lumot beriladi. Bu tushunchalar kondensatorlarning asosiy tushunchalari hisoblanadi. Yak-kalangan o'tkazgichning potensialini bir potensial birligiga oshirish uchun unga berilishi kerak bo'lgan zaryad miqdori tavsiflovchi fizikaviy kattalikka *elektr sig'imi* deyiladi. Elektr sig'imi formulasi [2:77].

$$C = \frac{q}{\varphi} \quad (1)$$

Bu yerda q – o'tkazgich elektr zaryadi, φ – o'tkazgich elektr potentsiali. Elektr sig'imi birligi sifatida Farada ishlatiladi:

$$[C] = [q] / [\varphi] = 1 \text{ Kl} / 1 \text{ V} = 1 \text{ F}.$$

Shakliga ko'ra kondensatorlar yassi, sferik va silindrik kondensator kabi turlarga ajratilishi mumkin. Qoplamalari ikkita parallel yassi tekislikdan iborat bo'lgan kondensatorga yassi kondensator deyiladi. Yassi kondensator elektr sig'imi [2:77]

$$C = \frac{\epsilon_0 \epsilon S}{d} \quad (2)$$

Bu yerda S – kondensator qoplamasi (plastinkasi) yuzi (maydoni), d – qoplama (plastinka)lar orasidagi masofa, $\epsilon_0 = 8,85 \cdot 10^{-12} \text{ F/m}$ bo'lib elektr doimiysi deyiladi, ϵ – kondensator qoplamalari orasidagi dielektrik muhitning nisbiy dielektrik singdiruvchanligi.

Qoplamalari har xil radiusli ikkita sferadan iborat bo'lgan kondensator sferik kondensator deyiladi. Sferik kondensator sig'imi [1:79]

$$C = \frac{4\pi\epsilon_0\epsilon R_2 R_1}{R_2 - R_1} \quad (3)$$

Bu yerda R_2 (R_1)- tashqi (ichki) sfera radiuslari. Ikkita ichma-ich silindrdan iborat kondensatorga silindrik kondensator deyiladi. Silindrik kondensator elektr sig'imi [2:78].

$$C = \frac{2\pi\epsilon_0\epsilon L}{\ln(R_2 / R_1)} \quad (4)$$

Bu yerda: L – silindrlar uzunligi, R_2 (R_1)- tashqi (ichki) silindr radiusi. Elektr sig'imi orttirish yoki sig'imning kerakli qiymatini hosil qilish uchun kondensatorlar bir-biriga ulanib batareyalar tuziladi. Ulashning ikki turi bor: parallel va ketma-ket. Kondensatorlar parallel ulaganda umumiy sig'im [2:80].

$$C_{um} = \sum_{i=1}^n C_i. \quad (5)$$


formula, ketma-ket ulaganda esa umumiy sig'imi [1:80]

$$\frac{1}{C_{um}} = \sum_{i=1}^n \frac{1}{C_i}. \quad (5)$$

formulaga binoan hisoblanadi. Kondensatorlarga oid (2)-(5) formulalar masalalar yechishda qo'llaniladi. O'quvchilarda masalani tushunish, uni tahlil eta bilish qobiliyatini yaratish va rivojlantirish, masala shartida berilgan holatni aniq va to'liq tasvirlay olish, masalani yechish jarayonida (2)-(5) formulalardan umumli foydalanish, sodda model yarata olish yoki murakkablik mavjud holda sodda modelni ajrata olish hamda uni keyinchalik umumlashtirib masala yechishda qo'llash kabi ko'nikmalarni shakllantirish fizikani o'qitish metodikasining dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa, masala yechishda sodda model tanlash yoki ma'lum bir elementar bo'lakni to'g'ri ajrata olish masalaning yechilishini osonlashtiradi. Odatda biror tizim tarkibida ajratib olingan elementar bo'lak uchun fizikaviy formulalar ma'lum bo'ladi. Formulalar ham shu bo'lak uchun yoziladi, keyinchalik u umumiyashtiriladi. O'zgaruvchan muhitli kondensatorlarning sig'imini hisoblashda ham elementar bo'lakni ajratib olish usulini qo'llash juda foydali va samara berishi mumkin. Quyida biz o'zgaruvchan muhit bilan to'ldirilgan kondensatorlar elektr sig'imini hisoblashga doir ba'zi masalalar yechilishini qaraymiz va yechimlarni elementar bo'lakni ajratib olish metodikasi bo'yicha keltiramiz.

1- Masala. Yassi kondensator qoplamalari orasidagi masofa d ga, qoplamasi yuzasi esa S ga teng. Qoplamalar orasidagi muhitning dielektrik singdiruvchanligi birinchi qoplamadan ikkinchi qoplamagacha chiziqli ravishda ε_1 dan ε_2 gacha o'zgarib boradi. Kondensatorning elektr sig'imi topilsin. (1-rasm) [1:111].

Izoh. Yassi kondensator elektr sig'imi umumiy holda (2) formulaga asosan topiladi. Ammo, (2) formula



1-rasm. Dielektrik singdiruvchanligi o'zgaruvchan muhit bilan to'ldirilgan yassi kondensator.

Umuman olganda, bu yerda ham ikki parallel strixlangan qoplama orasida muhitning dielektrik singdiruvchanligi $\varepsilon(x_i)$ dan $\varepsilon(x_i + \Delta x_i)$ gacha ortadi. Ammo, qoplamalar orasidagi masofa Δx_i , nihoyatda kichik bo'lganligi bois bu masofada muhit dielektrik singdiruvchanligining o'zgarishi sezilarli darjada bo'lmasligi lozim deb qarashimiz mumkin. Ya'ni ajratib qaralayotgan soha dielektrik singdiruvchanligini o'zgarmas deb qabul qilamiz: $\varepsilon(x_i) \approx \varepsilon(x_i + \Delta x_i)$.

kondensator ichidagi dielektrik muhit bir jinsli va uning dielektrik singdiruvchanligi o'zgarmas deb qaralgan hol uchun o'rinli. Masala shartida esa kondensator ichidagi dielektrik muhit bir jinsli emasligi va uning dielektrik singdiruvchanligi o'zgaruvchanligi ya'ni bir qoplamadan ikkinchisigacha bo'lgan oraliqda chiziqli ortib borishi ta'kidlangan. Shu bois bu formulani qaralayotgan hol uchun to'g'ridan-to'g'ri qo'llab bo'lmaydi. Shunga qaramasdan, qaralayotgan kondensator elektr sig'imini (2) formuladan umumli foydalanib topish mumkin. Quyida masala yechilishining aynan shu metodikasini keltiramiz.

Yechilishi. Avvalo, kondensator qoplamalariga tik ravishda o'ng tomonga yo'nalgan x - o'qini o'tkazamiz (2-rasm). Masala shartiga binoan birinchi qoplama koordinatasini 0, ikkinchi qoplama koordinatasini d deb belgilaymiz. Yassi kondensatorning dielektrik singdiruvchanligi

$$\varepsilon(x) = \varepsilon_1 + kx \quad (6)$$

formula bo'yicha chiziqli o'zgarishi masala shartida


berilgan. Shu bilan birga $x=0$ da $\varepsilon(0) = \varepsilon_1$ va $x=d$ da

$\varepsilon(d) = \varepsilon_2$ bo'lishi ham ta'kidlangan. U holda


$k = (\varepsilon_2 - \varepsilon_1) / d$ ga teng bo'ladi. Demak,

$$\varepsilon(x) = \varepsilon_1 + x(\varepsilon_2 - \varepsilon_1) / d. \quad (7)$$

Dielektrik singdiruvchanlikning koordinataga bog'likligini tavsiflovchi analitik formulani qo'lga kiritgandan so'ng kondensator elektr sig'imini hisoblashga o'tamiz. Kondensator qoplamalari orasidagi masofa d ni junda kichik n ta bo'lakka bo'lamiz: $\Delta x_i = d/n$. Keyin kondensator ichidagi x_i va $x_i + \Delta x_i$ koordinataga ega nuqtalar orasiga tegishli muhitni qaraymiz. 2-rasm bu muhit ikki parallel strixlangan kesma (qoplama) lar bilan ajratib ko'rsatilgan.



2-rasm. Kondensator ichida $(x, x+dx)$ oraliqda yotuvchi muhitni ajratib olish va uning elektr sig'imini hisoblashga o'tish.



3-rasm. Dielektrik singdiruvchanligi bir qoplamadan ikkinchi qoplamagacha chiziqli o'zgarib boruvchi yassi kondensatorni o'zgarmas dielektrik singdiruvchanlikka ega muhit bilan to'ldirilgan yassi kondensatorlar ketma-ket ulanishi orqali tasvirlash.

U holda, ajratib qaralayotgan sohani, alohida, bir jinsli va o'zgarmas dielektrikli singdiruvchanlikka ega muhit bilan to'ldirilgan kondensator deb qarashimiz va uning elektr sig'imi uchun

$$\Delta C_i = \frac{\varepsilon_0 \varepsilon(x_i) S}{\Delta x_i} \quad (8)$$

formulani yozsak bo'ladi. 1-rasmda keltirilgan kondensatorni esa har birining elektr sig'imi (6) formula bilan topiladigan ketma-ket ulangan yassi kondensatorlar majmuasi (yig'indisi) deb qarash mumkin (3-rasm). U holda, ketma-ket ulangan kondensatorlarning umumiy elektr sig'imini hisoblash (5) formulaga binoan qaralayotgan kondensator elektr sig'imi


$$\frac{1}{C_{um}} = \sum_{i=1}^n \frac{1}{\Delta C_i} = \sum_{i=1}^n \frac{\Delta x_i}{\varepsilon_0 \varepsilon(x_i) S} \quad (9)$$

ga teng bo'ladi. Oxirgi formuladagi yig'indi Darbu yig'indisi bo'lganligi bois, uni integral bilan almashtirsak bo'ladi:

$$\sum_{i=1}^n \frac{\Delta x_i}{\varepsilon_0 \varepsilon(x_i) S} \Rightarrow \int_0^d \frac{dx}{\varepsilon_0 \varepsilon(x) S}. \quad (10)$$

Ya'ni

$$\frac{1}{C_{um}} = \int_0^d \frac{dx}{\varepsilon_0 \varepsilon(x) S}. \quad (11)$$



4-rasm. Dielektrik singdiruvchanligi o'zgaruvchan muhit bilan to'ldirilgan sferik kondensator.

Nihoyatda kichik bu oraliqni alohida sferik kondensator deb qarash, uning elektr sig'imini

$$\Delta C_n = \frac{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r_n)r_n(r_n + \Delta r_n)}{(r_n + \Delta r_n) - r_n} \cong \frac{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r_n)r_n^2}{\Delta r_n} \quad (14)$$

shaklda ifodalasak bo'ladi. (14) da $r_n \gg \Delta r_n$ ekanligi inobatga olingan. U holda, 4-rasmda keltirilgan kondensatorni har birining elektr sig'imi (14) formula bilan topiladigan ketma-ket ulangan sferik kondensatorlar majmuasi (yig'indisi) deb qarash mumkin. Xuddi 1-masala yechimidagidek, ketma-ket ulangan sferik kondensatorlarning umumiy elektr sig'imini (5) formulaga binoan

$$\frac{1}{C_{um}} = \sum_{n=1}^N \frac{1}{\Delta C_n} = \sum_{n=1}^N \frac{\Delta r_n}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r_n)r_n^2} \quad (15)$$

(11) formuladagi integralni (7) formulani inobatga olgan holda hisoblaymiz:


$$\frac{1}{C_{um}} = \frac{1}{\varepsilon_0 S} \int_0^d \frac{dx}{\varepsilon_1 + \frac{\varepsilon_2 - \varepsilon_1}{d} x} = \frac{d}{\varepsilon_0 (\varepsilon_2 - \varepsilon_1) S} \ln(\varepsilon_2 / \varepsilon_1). \quad (12)$$

(12) formuladan javobni topamiz

$$C_{um} = \frac{\varepsilon_0 (\varepsilon_2 - \varepsilon_1) S}{d \ln(\varepsilon_2 / \varepsilon_1)}. \quad (13)$$

2- Masala. Radiuslari R_1 va R_2 ($R_2 > R_1$) bo'lgan sferik kondensator qoplamalari orasidagi muhitning dielektrik singdiruvchanligi nuqra vaziyatiga $\varepsilon = a/r$ formula orqali bog'liq. Bunda a biror doimiy, r – kondensator markazi O nuqtadan qaralayotgan nuqtachacha bo'lgan masofa (4-rasm). Kondensatorning elektr sig'imi topilsin. [2:112].

Yechilishi. (R_1, R_2) oraliqni juda katta N ta nihoyatda kichik $\Delta r_n = (R_2 - R_1)/N$ intervallarga bo'lamiz. Shu intervallardan biror biri, masalan, $(r_n, r_n + \Delta r_n)$ ni va unda yotuvchi muhitni qaraymiz (5-rasm). Bu intervalning nihoyatda kichik ekanligini inobatga olib, muhitning dielektrik singdiruvchanligi interval ichida sezilarni o'zgarmaydi deb hisoblaymiz: $\varepsilon(r_n) \approx \varepsilon(r_n + \Delta r_n)$.



5-rasm. Kondensator ichida $(r, r+dr)$ oraliqda yotuvchi muhitni ajratib olish va uning elektr sig'imini hisoblashga o'tish.

ga teng bo'ladi. Oxirgi formuladagi yig'indi Darbu yig'indisi bo'lganligi bois, uni integral bilan almashtirsak bo'ladi:

$$\sum_{n=1}^N \frac{\Delta r_n}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r_n)r_n^2} \Rightarrow \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r)r^2}. \quad (16)$$

Ya'ni

$$\frac{1}{C_{um}} = \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{4\pi\varepsilon_0\varepsilon(r)r^2}. \quad (17)$$

(17) dagi integralni muhit dielektrik singdiruvchanligining r ga bog'liqligini inobatga olib hisoblaymiz:

$$\frac{1}{C_{um}} = \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{4\pi\epsilon_0\epsilon(r)r^2} = \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{4\pi\epsilon_0 \frac{a}{r}} = \frac{1}{4\pi\epsilon_0 a} \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{r} = \frac{1}{4\pi\epsilon_0 a} \ln(R_2/R_1). \quad (18)$$


(18) formuladan javobni topamiz

$$C_{um} = \frac{4\pi\epsilon_0 a}{\ln(R_2/R_1)}. \quad (19)$$

3- Masala. Uzunligi L va radiuslari R_1 va R_2 ($R_2 > R_1$) bo'lgan silindrik kondensator qoplamalari orasidagi muhitning dielektrik singdiruvchanligi nuqra vaziyatiga $\epsilon = a/r$ formula orqali bog'liq. Bunda a biror doimiy, r – kondensator simmetriya o'qi OO' dan qaralayotgan nuqtagacha bo'lgan masofa (6-rasm). Kondensatorning elektr sig'imi topilsin.

Yechilishi. Masalani yechishda 1- va 2-masalalar yechilishida qo'llanilgan metoddan foydalanamiz. $(r_n, r_n + \Delta r_n)$ intervalda yotuvchi muhitni qarab, bu interval ichida muhitning dielektrik singdiruvchanligi sezilarni o'zgarmaydi deb hisoblaymiz: $\epsilon(r_n) \approx \epsilon(r_n + \Delta r_n)$. Nihoyatda kichik bu oraliqni alohida silindrik kondensator deb qarasa, uning elektr sig'imini (4) formulaga binoan

$$\Delta C_n = \frac{2\pi\epsilon_0\epsilon(r_n)L}{\ln \frac{r_n + \Delta r_n}{r_n}} = \frac{2\pi\epsilon_0\epsilon(r_n)L}{\ln \left(1 + \frac{\Delta r_n}{r_n}\right)} = \frac{2\pi\epsilon_0\epsilon(r_n)r_n L}{\Delta r_n} \quad (20)$$



6-rasm. Bir jinsli emas dielektrik muhit bilan to'ldirilgan silindrik kondensator.

shaklda ifodallasak bo'ladi. Silindrik kondensatorni esa elektr sig'imi (14) bilan berilgan parallel ulangan kondensatorlar deb qarash mumkin. U holda umumiy elektr sig'im

$$\frac{1}{C_{um}} = \sum_{n=1}^N \frac{1}{\Delta C_n} = \sum_{n=1}^N \frac{\Delta r_n}{2\pi\epsilon_0 L \epsilon(r_n) r_n}. \quad (21)$$

Bu yig'indini integralga aylantiramiz va $\epsilon = a/r$ ekanligini inobatga olib hisoblaymiz:

$$\frac{1}{C_{um}} = \int_{R_1}^{R_2} \frac{dr}{2\pi\epsilon_0 L \epsilon(r) r} = \frac{1}{2\pi\epsilon_0 a L} \int_{R_1}^{R_2} dr = \frac{R_2 - R_1}{2\pi\epsilon_0 a L}. \quad (22)$$

Demak, javob

$$C_{um} = \frac{2\pi\epsilon_0 a L}{R_2 - R_1}. \quad (23)$$

Yuqoridagi qaralgan misollardan o'zgaruvchan muhit bilan to'ldirilgan kondensatorlarning elektr sig'imini hisoblashda masala simmetriyasiga qarab bir jinsli emas muhit ichidan bir jinsli deb qarasa bo'ladigan biror bo'lakni ajratib olish va unga nisbatan standart formulalarni qo'llash naqadar muhim va ahamiyatli ekanligi ko'rinib turibdi. Ushbu maqoladagi masalalarni yechishda qo'llanilgan metodika [3:307] da qo'llanilgan metodikadan farqli bo'lib, o'zgacha yondashuv negizida qurilgan. Mazkur metod ixtiyoriy funksiya $\epsilon = f(r)$ orqali berilgan muhit bilan to'ldirilgan kondensator elektr sig'imini hamda bir jinsli emas jismlar inersiya momentlarini hisoblash imkonini beradi.

Adabiyotlar

1. Иродов И.Е.. Задачи по общей физике. -М.: «Наука», 1979. –С. 369.
2. Савельев И.В. Умный физика курси. 2- том. Электр ва магнетизм. -Т.: «Ўқитувчи», 1975. 365-6.
3. Singh A.B. Solutions to I.E.Irodov's Problems in General Physics, vol. 1, -New Dehli: CBS Publishers & Distributors, 2005. – P. 431.

Maqolada kondensator elektr sig'imini hisoblashga doir ayrim masalalar yechilishi metodikasi qaralgan. Xususan, kondensatorlar qoplamalari orasidagi sohani to'ldiruvchi dielektrik muhit bir jinsli bo'lmagan holda yassi, sferik va silindrik kondensatorlar elektr sig'imlari hisoblanib ko'rsatilgan. Kondensator qoplamalari orasidagi dielektrik muhitning dielektrik singdiruvchanligi kondensatorning bir qoplamasidan ikkinchi qoplamasigacha chiziqli ravishda o'zgaradi deb hisoblangan. Maqolada qaralgan masalalar yechilishi metodikasidan bir jinsli emas jismlar inersiya momentlarini hisoblashda foydalanish mumkin.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается методика решения некоторых задач по вычислению электрических ёмкостей конденсаторов. В частности, показаны вычисления электрических ёмкостей плоского, сферического и цилиндрического конденсаторов в случае заполнения области между обкладками конденсаторов неоднородной диэлектрической средой. Предполагается, что диэлектрическая проницаемость диэлектрической среды, находящейся между обкладками конденсатора, линейно меняется от одной обкладки до другой обкладки. Рассмотренная в статье методика решения задач может быть использована при вычислении моментов инерции неоднородных тел.

SUMMARY

In the article the method of problem solution on calculation of electric capacity of capacitors is considered. In particular, calculation of electric capacity of plane, spherical and cylindrical capacitors are shown in case when an area between plates of capacitor filled with nonhomogeneous dielectric medium. It is assumed that dielectric permittivity of the dielectric medium, placed between capacitor's plates, varies linearly with respect to the distance from one plate to another one. The method of problem solution considered in the article may be used on calculation of moments of inertia of heterogeneous bodies.

MÁDENIY SHÁRAYATTA KEYREUKTIŇ BIO-EKOLOGIYALÍQ ÓZGESHELİKLERI

M.T.Baltabaev – *biologiya ilimleriniń kandidati*

M.Qarlibaeva – *biologiya oqıtıw metodikası tálim baǵdarınıń 2-kurs studentı*

Ajiniyaz atındaǵı Nokis mámleketlik pedagogikalıq institutı

Tayanch so'zlar: yuvenil davr, ildiz tizimi, yashil massa, meva, gipokotil, haqiqiy yaproq, g'uncha, urug' qanotchasi, pobeg, gul, urug' ulushi, generativ pobeg, vegetatsiya, fenologiya, ontogenez.

Ключевые слова: ювенильный период, корневая система, зелёная масса, плод, гипокотиль, настоящий лист, бутон, крылатки семени, побег, цветок, семядоля, генеративный побег, вегетация, фенология, онтогенез.

Key words: juvenile period, root system, green mass, fruit, hypocotyl's hook, genuine leaf, bud, seed samara, sprout, flower, seed part, reproductive sprout, vegetation, phenology, ontogenesis.

Keyreukti birinshi mártebe Gmelin [2], jazadı hám onı Solsola orientalis dep ataydı. Keyin bul ósimlikti Pallas [2], Solsola rigida dep ataydı, bul atama kóp waqıtlarǵa shekem saqlanadı. V.P.Bochantsev [2], onıń birinshi atı, yaǵnıy Solsola orientalis dep atawdı usınadı, al Solsala rigida onıń sinonimi, bizde bul pikirdi qollaymız. P.A.Baranov [2], V.K.Vasilevskaya [2], S.Yu.Rojanovskiylar [2], kserofit strukturaǵa iye ósimliklerde polisad toqımalar jaqsı rawajlanadı, japıraq betin qorǵaydı, sonlıqtan olardıń qurǵaqlıqqa shıdamlılıǵı kúshli bolatıwıńnıń kórsetedi.

Keyreuktiń sapalı ot-jemlik ósimlik ekenligi, ol qoyeshkiler hám iri qaramallar ushın jıl dawamında jelinetuǵın tiykarǵı ot-jemlik ósimlik. Keyreuktiń usı qásiyetlerin Muravlyanskiy [1], Larin [1], ham t. basqalar Burigin [2], ham t.b. jaqsı úyrengen. M.M.Sovetkina [2], O.İ.Morozova [2], İ.V.Larin [2], hám t.b. kórsetken maǵlıwmatları boyınsha keyreuktiń jelinetuǵın bólimlerinde (japıraq, mayda shaqa, gúlli hám miywesi) 17,4% kul, 9,7% protein hám kletchatka 23,7% bar ekenligi anıqlanǵan.

Keyreuk (Salsola orientalis S.G.Gmel.) – soralar tuqımlasına kiretuǵın yarım puta ósimlik bolıp, onıń boyı 35–55 sm, vegetaciyalıq dáwiri uzaq (250–254 kún) hám 20–30 tirishilik etedi. Keyreuk túbinen baslap kúshli shaqalanǵan, onda sırtı tükli qıysıq shaqalar jaylasqan. Tamır sisteması universal tipke iye bolıp, onıń uzınlıǵı 6–7 m. tereńge jetedi (1-súwret).



1-súwret. Keyreuktiń ulıwma kórinisi

Ósimliktiń tamır sisteması ekologiyalıq ortalıq sıpatında topıraqqa baylanıslı awqatlıq zatlardı ólestiriw hám sıñırıwde ayırıqsha wazıypanı atqaradı. Topıraq jaǵdayınıń ózgeriwi menen ósimliktiń jer astı organı, onıń jer ústi bólimine qaraǵanda kúshli ózgeriske ushıraydı. Tamır sisteması hár qıylı topıraq sharayatında ósimliktiń usı yamasa basqa tirishilik formasına sáykes suwlı-mineral awqatlanıwın belgili dárejede támiyinleydi.

Ámiwdárya rayonı Berdaq fermerler birlespesi aymaǵında mádeniy shárayatta keyreuktiń bio-

ekologiyalıq ózgesheliklerin úyreniw boyınsha tájiriyebe ótkerildi.

Biziń shárayatta keyreuk tuqımınıń kógerip shıǵıwı mart ayınıń úshinshi on kúnligine tuwra keledi. Tuqım úlesi jınıshke sopaq joqarı tárepı sarı jasıl biraz salbıraǵan, al tiykarı azıraq tómen iyilgen. Tuqım úlesiniń uzınlıǵı 7 mm, eni 2 sm gipokotil uzınlıǵı 6–7 mm. Bul waqıtta keyreuktiń bas tamırı topıraqqa 9–10 sm tereńlikke jetedi, 3–5 sm tereńlikte mayda qaptal tamırlar payda bola baslaydı [1]. Keyreuktiń yuvenil dáwirinde tamır sistemasınıń intensiv rawajlanıwın kóriwge boladı, bul qásiyet qurǵaq shárayatta ósip rawajlanıwına múmkinshilik tuwdıradı.

Iyun ayınıń aqırında ósimliktiń biyikligi 24 sm jetip, al tamır uzınlıǵı 30 sm hám qaptal tamır 5 sm ge jetedi.

Keyreuk birinshi jıldın ózinde gúllep tuqım beretuǵın jaǵdayların Qubla-batis Qızılqumda R. Nugmanova hám Ustiyurt sharayatında A.Allaniyazovlar (1980) anıqlaǵan.

Ustirt sharayatında keyreukte gúllew dáwiri bolǵanı menen onıń miyweleri tolıq pispeytuǵınlıǵı anıqlanǵan [3].

Hár bir japıraq qoynında haqiqiy japıraq payda boladı, olar tiykarman 3–4 shi tártiptegi shaqalar jaylasqan. Gumshalaw may ayınıń basında baslanıp, bul waqıtta ósken generativ pobegtiń uzınlıǵı 8 sm, ondaǵı gumshalar sanı 8–29 dana. May ayınıń úshinshi 10 kúnliginde gúllew fazası gúzetildi. (1-keste). Keyreuktiń miywelew fazası iyun ayınıń 3 shi 10 kúnligine tuwrı keledi (2015).

Biziń shárayatta keyreuk birinshi jıldın ózinde generativ dáwirge ótip tuqım berdi. Keyreuktiń bir shaqasındaǵı tuqım sanı 12 den 40 danaǵa jetedi, tuqım qanatshalarınń payda bolıwı shaqanıń tiklengen tárepinen baslanadı. Keyreuktiń ayırım túplerinde 2 shi jılı jaqsı miywe beredi, yaǵ'nıy sanı 3000–9000 danaǵa jetedi.

Úsh jıllıq keyreukte pobegtiń ósiwi eki jıllıq pobegtiń joqarg'ı tárepinde baslanadı, reńi qızǵ'ısh sarı. Pobegtiń joqarg'ı tárepinde jaylasqan japıraqları top bolıp jaylasadı [1].

Miyweniń pisiwi oktyabr ayınıń 3 shi 10 kúnligine tuwrı keledi. Tórtinshi jılı keyreuktiń boyı 22 sm ge jetkende, onıń aylanasınıń diametri 44 sm. Keyreuktiń tolıq gúllewi iyul ayınıń 15 sánesine tuwrı keledi. Bul waqıtqa kelip 2 generativ pobeg maksimal ósip, razmeri 40 sm ge jetedi, ondag'ı gúllerdiń sanı 81, bul shaqalar kúshli shaqalanǵan, sol pobeglerdiń joqarg'ı tárepindegi gúller siyrek, al tómengi gúller bir-birine tıǵız jaylasadı, olar ósken sayın siyreklese baslaydı.

Bir jıllıq pobegtegi shaqalar sanı 18, uzınlıǵı 11 sm, olardıń kópshiligi quwrap baslanǵanlıǵı málim boldı. Iyul' ayınıń 2 shi 10 kúnliginde keyreuktiń biyikligi 55 sm, al onıń sırtqı kóleminiń (kronasınıń) diametri 80 sm ge jetedi. Usı waqıtta miywelew dáwiri baslanadı. Jıllıq pobeg uzınlıǵı 41 sm, olarda miywe qanatshaları sentyabr' ayında payda bola baslaydı. Hawa temperaturasınıń joqarılawına baylanıslı (42°–43°) keyreuktiń kópshilik túrlerinde miyweler tolıq pispegenligi málim boldı.

Keyreuktiń tiykarg'ı fenologiyalıq fazalarınń baslanıw sáneleri (2013, 2014, 2015- jıllar)

Baqlaw jılları	Túri	Vegetaciya		Gumshalaw		Güllew		Miywelew	
		Baslanıwı	Aqırı	Baslanıwı	Aqırı	Baslanıwı	Aqırı	Baslanıwı	Aqırı
2013	Keyreuk	4.03	10.XI	15.05	20.08	15.06	10.09	15.07	20.08
2014	Keyreuk	15.04	10.XI	13.05	25.08	10.06	15.06	20.07	20.08
2015	Keyreuk	5.03	8.X	7.05	30.08	8.06	10.09	23.07	23.08

Juwmaqlap aytqanda mádeniy jaǵdayda keyreuk jaqsı ósip rawajlanadı, kóp shaqalardı payda etedi, waqıttıń ótiwi menen qaptal shaqalar kem-kemnen juwanlanıp baslaydı, keyin úlken kólemli kóp shaqalar (krona) payda

etedi, nátiyjede bas paqaldıń basqa paqallardan parqı bolmay qaladı, óziniń ontogenez dáwirin tolıq ótedi. Keyreuktiń jasıl massasınıń zúráátliligi 1,3 ts/ga miywe sani bir túpte 10-300 danaǵa jetedi.

Ádebiyatlar

1. Ережеев С., Балтабаев М. Эколого-биологические особенности *Salsola orientalis* G.Gmel. (Кейреук) в условиях Северо-западных Кызылкумов. В сб. Некоторые вопросы обогащения естественных пастбищ Каракалпакской части Кызылкумов. - Нукус: qoiе, -С. qı-qoi.

2. Мамасалиев И. Ботаническая характеристика и хозяйственное значение. Кейреук (*Salsola orientalis* G.Gmel.) и его изменчивость в Узбекистане. Автореферат. –Ташкент: 1970.

3. Тажимуратов П. Эколого-биологические особенности и продуктивность растений в опытах по фитомелиорации пастбищ Каракалпакского Устюрта. Автореферат. –Ташкент: 1981.

REZYUME

Biz uch yil davomida *Salsola Orientalis* S.G.Gmelning bio-ekologik xususiyatlarini organdik.

РЕЗИМЕ

В течении трёх лет мы изучали био-экологические особенности *Salsola Orientalis* S.G.Gmel в условиях культуры.

SUMMARY

For three years we have been studying the bio-ecological features of *Salsola Orientalis* S.G.Gmel in the conditions of culture.

СУР РАНГЛИ ҚОРАҚҰЛ ТЕРИЛАРИНИНГ ТОВАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Р.У.Турганбаев – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: қорақўл кўйлари, қорақалпоқ зот типі, маҳсулдорлиги, тери типі.

Ключевые слова: каракульские овцы, каракалпакский породный тип, продуктивность, смушковой тип.

Key words: karakul sheep, Karakalpak petrean type, productivity, krimmer type.

Республикамізда мустақиллик йилларида сур қорақўл зотларининг селекциясини ташкил этиш орқали унинг зотдорлигини яхшилаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида мазкур зотнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб тери, жун ва ғўшт маҳсулдорлигини оширишга эришилди.

Дунё миқёсида қорақўлчилик соҳасида ҳар хил рангдаги териларга, айниқса, сур рангли қорақўл териларига талаб ортиб бормоқда. Қорақўлчилик соҳаси жадал ривожланаётган давлатларда қорақўл кўйларининг ноёб рангдаги турларини кўпайтириш ва уларнинг селекцион асосларини яхшилаш талаб этилмоқда. Шу боис республикамізда қорақўлчиларининг асосий вазифаси сур зот типидagi кўйлар сонини кўпайтириш ҳамда кимматбаҳо ва камёб рангли қорақўлнинг барқарор етиштирилишини таъминловчи юқори маҳсулдор ихтисослаштирилган ҳайвонлар подасини яратишдан иборат. Бунда генофондни сақлаш, селекция усулларини такомиллаштириш ва янги турдаги, экспортга йўналтирилган маҳсулотни етиштирувчи ранг-баранг ва нақшинкор жингалак гулли қорақўл кўйларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Экспериментал тадқиқотлар Тўртқўл туманининг “Қизилқум” наслчилик хўжалигида амалга оширилган. Наслчилик хўжалигининг умумий майдони 675843 гектар бўлиб, шундан 534850 гектари – яйловлардир. Тадқиқотлар 1992 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда рангига кўра турдош бўлган ҳайвонлардан олинган наслга орасида ўтказилган. Бунда илмий ишлар ранг-баранглик кесимида кўра қорақўл териси товарлик хусусиятлари ўрганилган.

Жун толаси узунлиги қорақўлчилик соҳасида терининг асосий товарлик хусусиятларини белгиловчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади [2].

Жуннинг узунлигини ўлчаш шуни кўрсатадики, у ясси типдаги шамчироқ гулли қорақўлда энг калта ($10,4 \pm 0,44$), ундан кейингиси камар ($10,5 \pm 0,50$), сўнгра пўлати сур ва ўрик-гул (тегишли равишда $10,6 \pm 0,64$ ва $10,7 \pm 0,35$) бўлади

Ўрик-гул ранг-барангликдаги кўзичокларда сурлик даражаси 3/10 ва 4/10-71,3% ни, камар рангли кўзичокларда 68,8% ни, шамчироқ гул ранг-барангликдаги кўзичокларда 67,2%, пўлати сур кўзичокларда 61,3% ни ташкил этган. Кам даражадаги сурлик (1/10, 2/10) асосан шамчироқ гул рангида ва ўрик гул рангида қўзатилади. Пўлати сур кўзичокларда ушбу кўрсаткич 3,7% ни ташкил қилди.

Аниқландики, камар ва ўрик гул ранг-баранглик турларда жингалаклик тўлиқ ўралмаганда жун толасининг бир тегислиги кўпроқ намоён бўлади 3/10-4/10, шамчироқ гул ва пўлати сур ранг-баранглигида эса кам даражали сурлик даражаси ҳам намоён бўлади - 4/10-5/10.

Ранг-барангликнинг яққол ифодаланиши, жилваланиши, ранглар ва ранг-барангликнинг текислиги кўп жиҳатдан сур қорақўлининг ғўзаллиги ва бетакрорлигини таъминлайди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, сур рангини ва унинг ранг-баранглигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича шамчироқ гул кўзичокларда сезиларли фарқ қилади. Улар орасида ўрик гул (27,9%), пўлати сур (23,8%) ва кизил камар (21,3%) ранг-барангликдаги кўзичокларга нисбатан ранг-баранглиги яққол ифодаланувчи кўзичоклар кўпчиликти ташкил қилади. Ранг-барангликнинг энг

яккол ифодаланиши шамчирик гул (40,0%), пўлати сур (36,3%) ва ўрик гул (33,3%) кўзичокларда кузатилган. Тери сатҳида ранг-барангликнинг бир текислиги ҳам ўрик гул, пўлати сур ва шамчирик гул ранг-баранглигида кузатилган. ($P < 0,05$). Бошқа ранг-барангликдаги кўзичокларда ушбу кўрсаткичлар бирмунча паст бўлган.

Маълум бўлишича, сур қорақалпоқ зот типига мансуб кўзичокларни ишончли ва аниқ баҳолашда уларни 5-6 кунлигида бонитировкалаш керак. Айни ушбу ёшда ранг ва ранг-барангликнинг ифодаланиши ва жилваланиши якқолроқ намоён бўлади.

Таъкидланадики, қорақалпоқ зот типидagi қорақўлнинг (шамчирик гул, ўрик гул, пўлати сур ва кизил камар) жун толаси қопламида асосан эумеланин жойлашган бўлиб, у думалоқ шаклга эга ва мия қобиғи қатламида зич жойлашган, асосдан рангсизланган учига ўтиш жойида меланин бирмунча чўзиқ шаклга эга ва унинг зичлиги унчалик кучли эмас. Ушбу ранг-барангликдаги ҳайвонларда жун толаси учининг оқ-тўқ сариқ ранги мия қатламида жойлашган кам миқдордаги феомеланин билан изоҳланади. Камар кўзичокларининг фаркли жиҳатлари шу билан белгиланадики, уларнинг жун толасида асосан феомеланин мавжуд, бунда оч рангли вариацияларда меланин янада чўзиқроқ шаклга ва кам концентрацияга эга, тўқ вариацияларда эса – думалоқ шаклга яқин бўлиб, концентрация даражаси паст бўлади. 4,0-4,5 ойлик, 12 ва 18 ойликда кўзичоклар жуни таркибида меланин миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, жун толаси қопламининг депигментацияси жараёни жадал кечмоқда. Агарда ўрик гул рангбаранглиги гигади кўзичоклар жун толасида меланиннинг миқдор кўрсаткичини 100% деб қабул қилсак, 4,0-4,5 ойлигида 26,0%, 15 ойлигида эса 11,2% миқдорида меланин мавжуддир. Бунда оч рангли кўзичокларда тўқ ранглиларга нисбатан депигментация жараёни жадал кечади ва уларнинг жун қоплами оқ-жигарранг тусга киради.

Турли ранг-барангликдаги қўйлар наслида сара ва биринчи синфга мансуб кўзичоклар миқдори турлича бўлади. Уларнинг аксарияти шамчирик гул ранг-барангликдаги қўйларда – 66,3 % ва энг кам миқдори кизил камар ранг-барангли қўйларда эса – 53,0 фоиз кузатилди. Пўлати сур ва ўрик гул ранг-баранглик қўйларнинг насли сонига кўра ўхшаш бўлиб, оралик ҳолатни эгаллади.

Турли ранг-барангликдаги қўйлар наслида сара ва биринчи синфга мансуб кўзичоклар миқдори турлича бўлди. Уларнинг аксарияти шамчирик гул ранг-барангликдаги қўйларда – 66,3 % ва энг кам миқдори кизил камар ранг-барангли қўйларда эса – 53,0 фоиз кузатилди. Пўлати сур ва ўрик гул ранг-баранглик қўйларнинг насли сонига кўра ўхшаш бўлиб, оралик ҳолатни эгаллади.

Кам қимматли ранг-барангликдаги кўзичокларда иккинчи синфга мансуб кўзичокларнинг солиштира салмоғи ва барраси бўйича яроксизлари кўпроқ кузатилди.

Адабиётлар

1. Турганбаев Р.У. Каракалпакский породный тип каракульских овец окраска сур. Монография. -Тошкент: 2012, -С.164.
2. Turganbaev R.U. Length of hair of Astrakhan of Karakalpakstan. //Academicia An International Multidisciplinary Research. Journal. India. Kurukshetra. (ISSN: 2249-7137). Vol.7. Issue 9. September 2017. -P. 65-71 (Impact Factor: SJIF=5.099).
3. Турганбаев Р.У., Очилов К. ва бошқалар. Тўрткўл завод типи. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти, № ЗАР 0010. –Тошкент: 2002.

РЕЗЮМЕ

Мақолада сур рангли қарақалпоқ типига мансуб қорақўл қўйлар терисининг товарлик сифати белгилари бўлган жун толаси узунлиги, ялтироклиги ва ипаксимонлик хусусиятлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приводятся данные товарные качества каракуля как длина волоса, блеск и шелковистость волосяного покрова каракульских овец сур каракалпакского породного типа.

SUMMARY

The article is devoted to the description of such trade qualities of astrakhan sheep as hair's length, brilliance and silkiness of hair covering of astrakhan sheep sur of Karakalpak petrean type.

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw



- название лабораторной работы;
- цель работы;
- приборы и принадлежности;
- практическая ценность работы;
- краткая теоретическая часть;
- описание и технические характеристики установки;
- порядок выполнения работы;
- математическая обработка результатов и определения погрешности;

- сведения о рекомендуемой, родственной лабораторной работе;

- самостоятельное выполнение родственной лабораторной работы, получения результатов и математическая аппроксимация полученных данных;

- теоретические вопросы;

- тесты по данной работе;

- отчёт о выполнении лабораторной работы и заключение.

Для достижения намеченной цели студенту необходимо знать, как осуществляется применение данной работы в практике, исходя из этой работы сможет ли он самостоятельно выполнять родственные лабораторные работы, схемы экспериментальной установки.

В наших педагогических исследованиях проведения лабораторных занятий эти изменения полностью оправдывают себя и способствуют формированию профессиональной компетентности учителя физики при проведении лабораторных работ.

Литература

1. Ахмедов А., Джораев М., Камолов Р. Модернизация лабораторных работ по физике в высших педагогических вузах. Монография докторской диссертации// -Saarbrücken: Lambert Akademik Publishing. 2015, -С. 49.
2. Ахмедов А., Джораев М., Очилов Ш. Развитие компетентности учителя физики и пути её усовершенствования Pedagogy & Psychology Theory and Practice International scientific journal. –Volgograd: № 6(8), 2016, -С. 14-16.
3. Джораев М., Ахмедов А. Модернизация компетентности будущих учителей физики. М.// Физика в школе №7-2015, -С. 20-23.
4. Коломин В.И. Фундаментальная подготовка по физике как основа формирования профессиональной компетентности будущих учителей физики: [Электронный ресурс] URL: Автореф. дис. ... докт. пед. наук. 2010, –С. 65. (дата обращения 18.11.2012):.

РЕЗЮМЕ

Мақолада физика ўқитувчиси компетентлигини шакллантиришда лаборатория машғулотларининг такомиллаштирилган структурасини ўқув жараёнига таъбиқ этиш орқали таълим сифатини ошириш масалалари таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы повышения эффективности обучения с применением в учебном процессе модернизированной структуры проведения лабораторных занятий при формировании компетентности учителя физики.

SUMMARY

The article examines the issues of increasing the effectiveness of training used in educational process of the upgraded structure holding laboratory classes in formation of the competence of the teacher of Physics.

ШАХС ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎРНИ

А.У.Елмуратова – ассистент ўқитувчи

Ажинийёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: шахс, касб, меҳнат, касб маҳорати, раҳбарлик, ёш даврлари, муомала маданияти, қобилият, профессионал фаолият, ақлий фаолият.

Ключевые слова: личность, профессия, труд, профессиональное мастерство, руководство, возрастные периоды, культура общения, способность, профессиональная деятельность, умственная деятельность.

Key words: personality, profession, work, professional skill, leadership, age periods, culture of communication, ability, professional activity, mental activity.

Меҳнат жараёнида намоён бўладиган ва бевосита унинг оқибати ҳисобланмиш сифатлардан бири - бу меҳнатга лаёқатлилик ва меҳнатсеварликдир. Бу - инсоннинг ишга ярқилиғи ва ишлаш қобилиятига бевосита алоқадор сифат ҳисобланади. Лекин психологиядаги ишга қобилият тушунчаси билан иқтисоддаги ишга ярқилик тушунчалари бир-бирига яқин бўлса-да, улар ўртасида маълум фарқлар бор. Масалан, психология ишга қобилиятлиликни шахснинг индивидуал сифати тарзида унинг ишдаги муваффақиятлари гарови ва кафолати сифатида ўрганса, ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган ишга ярқилик ёки қобилият - ишдаги шарт-шароитларга мос тарзда меҳнат фаолияти жараёнида намоён бўладиган психофизиологик ҳолат сифатида қаралади [2:104].

Бу нарса, айниқса, бир хил монотон иш жараёнларида одамнинг меҳнатга ярқилик - қобилиятлиги тўғрисида гап кетганда, айниқса яққол кўзга ташланади. Масалан, психологик қобилият доимо ижодий юксалишлар, ўзгалардан сифат жиҳатидан фарқли ишлай олишни назарда тутгани учун ҳам ишлаб чиқаришдаги монотон ишга қобиликни инкор этади. Демак, шахсдаги ишга ярқилик ёки -

қобилият тушунчаси ҳақида гап кетганда, уни кенг маънода тушуниш ва бу сифатни инсон фаоллигининг барча даврлари ва босқичларини назарда тутган ҳолда тасаввур қилиш, унинг умр давомида тажриба ва шахсий ривожидидаги сифат ўзгаришларини таъминловчи омил сифатида қараш тўғрлиқ бўлур эди.

Шундай қилиб, шахс меҳнат фаолиятининг бутун даврида унинг ишга муносабати ёки иш шароитларининг ўзгаришига мос ҳолда фаолияти кўрсаткичларининг ўзгариши ишга ярқиликнинг икки асосий сифати -

ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлиги туфайли аҳамиятли эканлигини унутмаслик лозим. Оддий мисол: одам эрталаб ўзи учун оддий, доимий бўлган ишга киришиб олгунча бўлган даврда ишга ярқилик билан кўникиб, киришиб ишлашни бошлаган пайтидаги ярқилик ўртасида фарқ бор, албатта. Шуниси характерлики, одам ўзини у ёки бу фаолиятга қанчалик ўргатгани сари, унинг ишлаш қобилияти ҳам бевосита ортиб бораверади. Шунинг учун ҳам ўз ишининг "шайдоси" деб аталадиган тоифалар доимо ишга совуққонлик билан қарайдиган -"қўл учида иш қиладиган" ишчи-ҳодимлардан айнан шу сифатлари

билан ажралиб турадилар. Бундан хулоса шуки, аввало ҳар бир касб эгасида айнан ўз касбига меҳр-муҳаббатни уйғота олиш зарур, ижтимоий-психологик ўрнатилмаган бера олиш қанчалик катта тарбиявий аҳамият касб этса, иш жараёнида ўша меҳнат туридан манфаатдорликнинг англаниш даражаси ва унинг шахсга "ёқши" меҳнатга яроқлилиқ на меҳнатсеварлик сифатларининг ривожланиши учун зарур шартдир. Бунга эса маълум қўниқмалар керак. Масалан, баъзан шундай ҳолат бўладики, ишчи ёки ходимга бир ишни ниҳоясига етказмай туриб, янги топшириқ берилади. Бунда ҳали бир ишни тугатмаганлиги сабабли янги иш унга сираям "жозибали" туюлмайди. Қолаверса, у ўзини мажбур қилиб, янги топшириққа қўчган тақдирда ҳам ҳалиги "туғалланмаган" эски иш унинг диққатидан ўчмайди, оқибатда у янги ишни ҳам маромида бажара олмайди, иш сифати паст ёки қўнғилдагидай бўлмайди, шунинг учун ҳам энг лаёқатли ишчига ҳам унга топшириқ беришдан аввал унинг айнаи дамда нима билан бандлиги ва уни қачон реал тамошлаши билан қизиқиш шарт. Агар, мабодо конкрет топшириқдан сўнг ходим ёки ишчи бўш қолса ҳам, ўша одамни янги ишга қисқа фурсатда жалб этиши мушкулроқ бўлади.

Шахснинг ишга лаёқати ва яроқлилиги даражаси кун мобайнида ўзгариб туради. Масалан, соат кечки 19 дан кейин ёки кеч соат 22 дан кейин иш сифати барибир паст бўлади, бу вақтларда одам психологик танг ҳолатни бошидан кечирилади, бу унинг диққати ва бошқа жараёнларида ўз аксини топади.

Меҳнатсеварлик сифатининг намоён бўлишига жамоада ишчи-ҳодимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, умуман, табиий шарт-шароитлар ҳам бевосита таъсир қилади. Масалан, Ўзбекистон шароитида жазирама ёзда куз ёки баҳорга нисбатан ишга яроқлилиқ пасаяди, бунга ҳаво ҳарорати таъсир қилади. Тўғри, ҳозирда қўпгина корхоналар ва ташкилотларда ушбу омилнинг салбий таъсирини олдини олиш учун махсус совитгич мосламалар ўрнатилади. Лекин кузатишларнинг кўрсатишича, умуман ёз охири бошқа даврларга нисбатан киши меҳнат фаоллигига таъсир қилади, шунинг учун ҳам қишлоқларда ёз ойларида куннинг узунлигини ҳисобга олиб, иш эрталаб тоғдан то соат 11 ларгача ва сўнг соат 17 дан кейин деярли кун ботгунча этиб белгиланади.

Лекин шахснинг меҳнатга ижобий муносабатини белгилловчи муҳим нарса - бу меҳнат жамоаларидаги одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардир. Халқимиз психологиясида ҳам "Ён қўшнинг - жон қўшнинг" ибораси борки, бу нарса ишлаш шароитига ҳам бевосита алоқадордир. Самимий, инсоний муносабатларнинг устувор бўлиши жамоалардаги ходимларни шундай ўзига жалб этадики, бу жамоадаги айрим аъзоларнинг авторитети - обрўси шахсни меҳнатга сафарбарлигини таъминловчи манба ролини ўйнайди. Қолаверса, халқимиз тилида машҳур бўлган "Уй сотиб олма, қўшни сотиб ол" деган мақоли ҳам бир меҳнат жамоасида муқим ишлаётган кекса авлод вакиллари учун айниқса, ҳосдир. Шунинг учун ҳам жамоалардаги маънавий-маърифий ишлар, улар самарадорлиги биринчи навбатда кишилар ўртасида соғлом инсоний муносабатлар муҳитини шакллантира олади, бу нарса меҳнатга онгли муносабатнинг шаклланишига таъсир этувчи кучли омиллардандир. Чунки жамоадаги яхши муҳит шахсга ижобий таъсир этиши оқибатида унда ривожланиш, ўсиш кузатилади, акс ҳолатда эса шахсда тормозланиш, ривожланмаслик, одамовилик, яккахоллик, ёки изоляция ҳолати юзага келиши мумкинлигини кузатилади.

Жамоадаги соғлом ўзаро муносабатлар, табиий равишда ҳар бир шахсдан маълум ижтимоий-психологик сифатлар бўлишини талаб қилади. Бу сифатлар аввало бевосита мулоқот жараёнида шаклланадиган ва айнан шу жараёнда намоён бўладиган сифатлардир. Улар ижтимоий психологияда умумий ҳолда коммуникатив сифатлар деб аталади. Бу сифатлар шахснинг турли ишлаб чиқариш вазиятларида мулоқот ва муомала жараёнларида намоён бўладиган сифатлари бўлиб, уларни айрим тадқиқотчилар сифатлар деб аташса, айримлари уларни қобилиятлар ҳам аташади. Масалан, В.А.Лабунская бу ўринда "перцептив қобилиятлар" атамаларини ишлатса, А.А.Бодалев - "ҳиссий ҳамдардликка тайёрлик", Ю.Жуков - "кузатувчанлик", "зийраклик" сифатлари, Г.Олпорт - "ўзгаларни баҳолаш қобилиятлари" каби атамаларни қўллайди. Рус олими Г.Андреева уларни умумлаштириб, "коммуникатив сифатлар" деб аташни афзал қўради ва бундай ёндашув аниқроқ ва предметлироқдир [1:123]. Зеро, шахснинг айнан ўзгалар билан ҳамкорликда ишлаши жараёнида намоён бўладиган сифатлари унинг ижтимоий-психологик сифатларидир ва улар айнан ўзаро муносабатлар - коммуникация жараёнида намоён бўлади. Бу сифатларни билиш зарур, чунки улар ўша ҳамкорликдаги фаолиятнинг самарадорлигига алоқадорлиги билан характерлидир. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлиги энг аввало шахснинг ўзига ўхшаш бошқа шахслар билан биргаликда умумий ишни бажара олиши, ўзаро бирдамлик ҳиссини идрок эта олиши, жамоа қарорларини биргаликда қабул қила олиш, биргаликда турли зиддиятларни бартараф эта олиш, ўзидаги индивидуал ишлаш услубига бошқаларни ҳам бўйсундира олиш, янгиликларни ўзлаштира олиш каби қатор сифатлар ва қобилиятларга боғлиқ.

Одамнинг жамиятда турли ишлаб чиқариш вазиятларидаги ўрни ва бунда намоён бўладиган ижтимоий-психологик сифатларни ўрганганда, Фарб психологлари, масалан, Ж.Бруннер қабилар "шахснинг перцептив ҳимояси" механизмларини ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашади [4:346]. Уларнинг фикрича, одам ҳар бир дақиқада маълум тажоввузқорона таъсирлар оғушида бўладики, унга ана шундай таъсирлардан ўзини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган сифатлар зарур. Қолаверса, одамда руҳан ана шундай таъсирлардан сақланиш инстинкти мавжудки, у туфайли одам шахслараро муносабатларда ўзи учун энг қулай ва ишончли вазиятларни қидиради ва топади. Бунда унга ўзгаларни идрок қилиш, одамнинг ўзаро перцептив жараёнларга қўшилиши малакалари ва перцептив қобилиятлари ёрдам беради. Шунинг учун одамларни ўзгаларни аниқ идрок қилиш ва тушуниш малакаларига ўргатиш ва бунда ижтимоий психологиянинг барча усул ва йўлларида, хусусан ижтимоий-психологик тренинглардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, шахс ўзини ўша ижтимоий тажоввузлардан ҳимоя қилишнинг бир усули сифатида бировлардаги салбий ёки ёқимсиз сифатларни "сезмасликка уриниш", улардан "қўрқмаслик" каби усулларни қўллаши мумкин. Лекин бу фикр билан келишиш қийин бўлса керак, зеро, фаол мавқели, ўзини ҳурмат қилган шахс бировлардаги сифатларга ҳолис баҳо бера олиши керак ва унга уларни атайлаб ёқтирмаслиги ёки атайлаб улардан қўз юмиши мушкул бўлса керак. Бизнинг шароитларда яхши ҳулқнинг таъсирчанлиги қондаси ўринлироқ эканлиги қўрилади. Айниқса, ўзбекларга хос бўлган шундай сифат борки, у ҳам бўлса, ўзгалардаги яхши фазилатларга тақдирчанлик бўлиб, анъанавий тарбияда айнан шу нарсага катта эътибор берилади. Чунки кимнингдир қандандир сифатларини

атайлаб инкор қилиш умуман мулоқот жараёнини бузади ва унинг нормал кечишига имкон бермайди. Бевосита ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган аналогик вазият эса ишнинг сифати ва умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатмай мулоқотда намоён бўладиган яна бир коммуникатив сифат - бу одамлардан қандайдир шаблон, тайёр, кўникиб қолинган сифатларни кутишдир. Масалан, бошлиқ тасавурида "барча ходимларнинг албатта сўзсиз бўйсунганини" кутиш, оддий ходимда эса - барча ишни аниқ йўналиш бўйича бошлиқдан олиш, ёки тажрибали киши албатта хато қилмаслиги ҳақидаги тасавурлар бўлиши мумкин. Бундай кутишларнинг оқланмаслиги одатда зиддиятларни келтириб чиқариши табиий.

Бундан ташқари, одамларда яна шундай тафовутлар ҳам борки, баъзилар умуман жамият ва одамлардан жуда кўп нарсаларни кутади ва талаб қиладиганлардир, қолганлар эса, анча содда одамлар бўлиб, улар кўпроқ ўз ҳис кечинмалари билангина чегараланадилар ва ўзгалар ҳаётига анча бефарқ бўладилар. Биринчилари ҳам, иккинчилари ҳам мулоқотда ва муомалада қатта хатоларга йўл қўйишлари мумкин, демак, одамларни самарали ҳамкорликка ҳамда унда намоён бўладиган сифатларга ҳам ўргатиш ва уларни тарбиялаш керак экан.

Адабиётлар

1. Донцов А.И. Практическая социальная психология как область профессиональной деятельности. // Под ред. Ю.М. Жукова, Л.А. Петровской. - М.: 1997. - С. 123-129.
2. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов Қ.Қ. Касб психологияси. - Тошкент: 2003. 104-б.
3. Климов Е.А. Психология профессионала. - Москва-Воронеж: 1996. - С. 152.
4. Зеер Э.Ф. Психология профессий. Учебное пособие. - М.: 2005. - С. 346.

Мақолада шахс меҳнат фаолиятининг барча давларида унинг ишга муносабати, унинг ишлаш қобилияти ҳақида сўз этилади. Касб эгасида айнан ўз касбига меҳр-муҳаббатни уйғота олиш зарурлиги, ижтимоий-психологик установкалар бера олиш, ишчи-ҳодимлар учун яратилган меҳнат шароитлари, умуман, табиий шарт-шароитлар ҳам бевосита таъсир қилиши айтиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт об отношении личности к работе за весь период его трудовой деятельности. А также затрагиваются вопросы о необходимости умения пробудить у обладателя профессии любви именно к своей профессии, умения давать социально-психологические установки, о созданных условиях труда для работников, вообще, о непосредственном воздействии природных условий.

РЕЗЮМЕ

The article deals with the attitude of the individual to work for the whole period of his entire work activity. There have been studied the issues of awakening the ability in the owner of the profession of love to his profession, the ability to give social-psychological attitudes about the created conditions to workers, about the direct impact of natural conditions.

SUMMARY

ШАХСЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

И.Ибодуллаева - магистрант

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: мулоқот, интроверт, экстраверт, муомала, ёлғизлик, тушқунлик, психик функциялар.

Ключевые слова: общение, интроверт, экстраверт, отношение, одиночество, упадок, психологические функции.

Key words: communication, introvert, extrovert, manners, loneliness, decline, psychological functions.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлашни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиладилар. Мулоқот тушунчасини коммуникация тушунчасидан фарқлаш лозим. Коммуникация - тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинуви англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши, буларнинг барчаси коммуникацияга мисол бўлади. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин. Мулоқотнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти бекиёсдир. Инсон боласи айнан бошқалар билан мулоқотда, муносабатда бўлиш жараёнида шахсга айланиб, мулоқот орқали инсон ижтимоий тажриба ва маданиятни эгаллаб боради.

Зеро, инсон психик тараққиёти мулоқотдан бошланади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши

мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бир пайтларда Америкада барча тамадди-хоналарни автоматлаштириш авж олган эди. Аммо кўп ўтмай уларнинг эгалари касодга учрай бошладилар. Маълум бўлишича, бу ерга одамлар нафақат тамадди қилиш, балки суҳбатдош топиш учун ҳам келганлар. Бундан кўринадики, инсонлар доимо мулоқотга эҳтиёж сезадилар ва уни қондиришга ҳаракат қиладилар.

Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати - нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошладан иборат. Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз.

Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида

коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади. Мулоқот одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни - жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради.

Маълумки, одамлар гуруҳидан узоклашган, улар назаридан қолган инсоннинг кўли ишга ҳам бормади, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узок вақт термокамерада бўлган одамда олий психологик функциялар яъни идрок, тафаккур, хотира, хиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг максалди фаолият турлари билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувоzanатсизлик, хиссийга берилувчанлик, ҳадиксираш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ва хавотирланиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлган инсонлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки хис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, олим М.Сифр илмий максалларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган. Кейинчалик унинг ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёзади у шу ҳаётсиз ғор ичидаги танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдири учун қайғура бошладим...»

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма - ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдидан турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирода топади.

Шунинг учун ҳам бундай тоифадаги шахслар умуман бегона одам билан ҳам гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин ("Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин?", - деб уйлайди у). Экстрове́ртнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, у дўстларини ҳам, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, "миш-мишлар"ни билиш унинг учун зарурдир. Экстрове́рт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарсаси бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интрове́рт эса экстрове́ртнинг мутлоқ тескари тои-

фаси бўлиб, у кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юрийтиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва улар учун асосий ишдир. Шу боис ҳам унда мулоқотга ўстановка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интрове́рт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчиди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса ҳам кичик яъни 2-3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар қуни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам "шахсий" мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида суҳбатлашишни яхши кўришади. Чунки у экстрове́ртдан фарқ қилиб, ўз "Мен"ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутди.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш муҳимдир. Ҳар бир кишининг ўз «Мени» атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, Шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиламиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиламиз. Мулоқот жараёнининг мураккаб психологик табиатини билиш, турли шароитларда самарали муносабатлар ўрнатиш малакасини ошириш ҳар қандай тоифадаги инсонларнинг ҳар қандай фаолият туридан қатъий назар тараққий этишида, психологик ривожланишида, жамиятда ўз ўрнини топишида энг муҳим воситадир. Мулоқот шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, бир-бирларини тушунадилар.

Мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамқорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг эҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил эҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат, баркамол авлод, комил инсон ғояларини англайди. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, эҳтиёжлари мотивацияси, характер ҳислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, эътиқоди каби инсоннинг фазилатлари, сифатлари намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади.

Мулоқот жараёнида мулоқотдошларнинг тасаввурлари, қизиқишлари, ҳис-туйғулари, кўникмалари, воқелик натижасини олдиндан сезиш, пайқаш, таъсир ўтказиш услуби таркиб топиши мумкин. Мулоқот ташқи таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини руёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари етаклайди.

Адабиётлар

1. Климов Е.А. Общая психология. –М-Питер: 2001
2. Давлетшин М.Г. Психологиядан луғат. -Т.: ТДПУ, 1998
3. Дубровина И.В., Данилова Е.Е., Прихожан А.М. Психология / Учеб. для студентов сред. пед. уч. завед. – М.: Академия, 1999. –С. 464.
4. Реан А.А., Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. – СПб.: Питер, 1999. –С. 480.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахслараро мулоқот ва муомала маданиятининг психологик хусусиятлари ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт об особенностях межлических общений и психологической культуре диалога.

SUMMARY

The article deals with the psychological features of interpersonal communication and culture of communication.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ - ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

А.Исманова - мустақил изланувчи, фалсафа доктори (PhD)

Республика маънавият ва маърифат маркази

Таянч сўзлар: диний экстремизм, терроризм, ёшлар, маънавият, мафкура, тарбия, маънавий фазилатлар.

Ключевые слова: религиозный экстремизм, терроризм, молодёжь, духовность, идеология, образование, духовные качества.

Key words: religious extremism, terrorism, youth, spirituality, ideology, education, spiritual qualities.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги, аввало, халқ маънавиятининг тикланиши, ёшларимиз қалби ва онгига маънавий тарбиянинг чуқур сингдирилганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг шахс бўлиб камол топиши, миллий кадриятларни тиклаш, ёшларни ҳар тамонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий соҳалардаги ислохотлар нафақат аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, балки маънавияти юксак шахсни шакллантиришга хизмат қиладиган ижтимоий-маънавий муҳитни яратиш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиш, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил ёндаша оладиган инсонларни тарбиялашдан иборатдир.

Маълумки, ҳар бир жамиятнинг фаровонлиги, давлатнинг равнақи маънавиятга эътиборнинг қай даражада эканлиги билан боғлиқ, аynи пайтда шахс, жамият ва давлат муносабатларида ўзини намоён қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Маънавиятни юксалтиришдаги асосий мезонлардан бири, кудратли омил бўлиб келаётган ҳам, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб келаётган муқаддас динимиздир. Шу боисдан ҳам, бутун дунёда ислом динига бўлган кизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари тобора кўпайиб бормоқда.

Тобора глобаллашиб бораётган пайтда кишилик жамиятида ғоявий таъсир доирасини кенгайтириш учун кураш, ўз мафкурасини глобаллаштириш ҳаракатлари давом этмоқда. Шу маънода ҳозир биз дунёни турли-туман мафкуралар камраб олган ва бу мафкуралар ўртасидаги кураш авж олаётган бир даврда яшамоқдамиз. Турли хил мафкуравий таъсирлар шароитида ёшларни бегона мафкуралар тазйикидан сақлаш, аниқроғи, уларнинг мафкуравий дахлсизлигини таъминлаш учун миллий ғоямиз моҳиятини ёшларга тушунтириш, уларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим бўлади. Экстремизм ва терроризмнинг турли шакллари ҳозирги кунда нафақат бир ёки бир неча давлат, балки бутун жаҳон ҳамжамиятининг барқарорлиги ва осойишталигига таҳдид туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шу йил сентябр ойида бўлиб ўтган 72-Бош Ассамблеясида қилган маърузасида диний экстремизм ва терроризмни бартараф этишга қаратилган масалага ва бу мавзу бўйича Ўзбекистон тажрибасига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга Республикамиз Президенти диний бағрикенгликка бағишланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус қарорини қабул қилиш таклифи билан чиқди. Мураккаб ва таҳликали бугунги кунда ёшларимиз бундай диний экстремистик ва террористик оқимларга қўшилиб, ўзи туғилиб ўсган Ватанига қурол кўтаришгача бориб етаётгани ҳозирда таълим – тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизда камчиликлар

борлигини кўрсатмоқда. Савол туғилади: Нега ўзимизнинг кишлоғимиз, маҳалламизда туғилган, ўзимизнинг боғча, мактаб, коллежимизда ўқиган, ўзимиз қурган равон йўлларда юрган, ўзимизнинг боғларимизда етиштирилган меваларни еб катта бўлган айрим йигит-кизлар бегоналарга алданишади? Бугун улар бизга бегона, совуқ кўзлар билан қарашаётир. Нима учун? Уларнинг миллионлаб тенгдош-синфдошлари эса шу азиз Ватан учун деб фидокорона ўқиб, ишлашмоқда? Алданган ёшларда нима ўзгарди?

Уларда бир нарса ўзгарди – унинг номи *маънавият*.

Демак, одамни ўзгартирувчи куч – маънавият мавҳум эмас, реал нарса. У ҳар бир нафасимизда биз билан бирга юради. Қиладиган қарорларимизда намоён бўлади. Шундай пайтда бир ҳарбий ҳикмат эсга тушади: “Жанговар тайёргарлик – яхши, муҳим. Лекин аскарнинг ўқни қаёққа қараб отишини маънавий тайёргарлик ҳал қилади”.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда диний экстремизм ва терроризм мафкурасига қарши педагогик профилактика объекти сифатида *маънавият* тушунчасига алоҳида, махсус ёндашишни талаб қилади. Юқоридаги факт ва далиллар ҳам маънавияти юксак ва маънавияти ожиз одамлар қандай бўлишини, юксак маънавият – енгилмас кучлигини исботлаб туради. Маънавият – ҳар бир ўғил-киз хулқининг ноэри эканлигини кўрсатиб туради.

Диний экстремизм ва терроризм вербовкасига қарши туриш учун ёшларимиз маънавияти юксак, яъни кучли бўлмоғи зарур. Инсон маънавиятининг моҳияти “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида очиқ берилган. Яъни “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этикоддини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [2].

Мафкуравий иммунитетни бўш айрим ёшлар адашиб, диний экстремизм ва терроризм тўдаларига бориб қўшилди. Бунинг сабаби, бир томондан, ёвуз мафкура тарғибот-ташвиқоти, иккинчи томондан мафкуравий тарбия, педагогик профилактика борасида йўл қўйилган илмий-амалий ва ташкилий ишлардаги хатоларга бориб тақалади. Демак, бунинг тўхтатиш учун ҳар бир ўғил-кизда маънавиятни шакллантириш ўта муҳим масаладир. Аниқ педагогик натижалар ишлашга ўтишимиз талаб этилмоқда. Акс ҳолда 25 йилда эришилган, оламни хайрон қолдираётган буюк ишларимиз, ютуқларимиз хавф остида қолади. Ҳар бир ўсмир ёт ғоялар таъсиридан ўзини ва атрофидагиларни ҳимоя қила олиши зарур. Бунинг учун аввало ўқитувчи-мураббийлар, маҳалла маслаҳатчилари, ота-оналар ёшларимизда маънавиятни шакллантириши зарур.

Биз ижтимоий педагогик тадқиқотимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, “Қандай ёшлар диний экстремизм ва терроризм тарғиботининг қурбонига айланмоқда?” деган саволни ўртага ташладик. Ўрганиш натижалари қуйидаги хусусиятларни кўрсатди:

1. Онгидаги бўшлиқ маърифий ислом ва миллий ғоямизнинг дурдона кадриятлари билан тўлдирилмаган ёшлар. Мазкур бўшлиқ тўлдирилмас экан, уларда дин ниқобидаги турли вайронкор оқимлар таъсирига

тушиш эхтимоли юкори бўлиб қолаверади. Бундай ёшларга, авваламбор, фойдали илми фойдасизидан ажратиш маданиятини шакллантириш зарур. Ёшларимизни ўзимизнинг алломаларимиз, буюк бобокалонларимиз Абу Мансур Мотуридий, Абу Наср Иёдий, Бурхонуддин Марғиноний, Абу-л-Лайс Самарқандий, Абу-л-Муин Насафий каби кўпдан кўп сиймоларнинг қарашлари билан қуроллантириш керак.

2. Илми саёз, мустақил фикри йўқ, ўзгаларнинг фикрини таҳлил қилмасдан, тўғридан тўғри қабул қилишга мойил ёшлар. Сўровномалар натижасига кўра, Англия ёшларининг 1/7 уларни қўллаб-қувватламоқда. Улар масаланинг бир томонига қараб, ҳулоса чиқарадиган, интернетга боғланган, ўзгаларга кўр-кўрона тақлидга мойил инсонлардир. Ачинарлиси, бу каби ёшлар бизнинг юртимизда ҳам учрамоқда.

3. Ўзидаги иллатлардан эмас, балки жамиятдан норози, унда амалга оширилаётган бунёдкорликка неготив қарайдиган аламзада кимсалар... Улар ҳар бир ишда ёмонликни кўради. Улар кўзи очиқ, аммо қалби ўлик кимсалардир.

4. Ўта қизиқувчан инсонлар. Бу тоифа одамлар ҳаётлари хавф остида турган ҳолатда ҳам, кўра-била туриб, “бир марта синаб кўрсам, нима қилибди?!” қобилада иш тутадилар. Шунинг оқибатида наркоманлар кўпаяди, террорчилар пайдо бўлади. Улар қилаётган ишларининг оқибатини ўйламайдилар. Натижа эса, ҳам ўзига, ҳам жамиятга зарар, қулфат келтиради.

5. Ёшлардаги бекорчилик, зерикиш, лоқайдлик. Тезда бойиб кетиш хирси, орзуси. Бу муаммолар умумлаштирилса, йигиндисидан тарбияси суст, илмсиз ўсмирлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Вақтни тўғри тақсимламаслик, тақдим этилган имкониятлар (масалан, интернет)дан нотўғри фойдаланиш вайронкор ғоялар урчидиган маконни ҳосил қилиши шубҳасиз. Бинобарин, ёшига, жинсига муносиб иш билан машғул соғлом турмуш тарзини кечираётган ўсмирларнинг бу каби нарсаларга вақти бўлмайди. Чунки унинг маънавияти мустаҳкам. Унинг бу фазилати эса уларни диний экстремистик ва террористик оқимлардан ҳисоя қилиб, уларга қалқон вазифасини ўтайди. Ўз Ватанига қурол кўтараётган ёшларимизда эса мана шу химояловчи қобиқ-маънавият етишмайди ёки тўлиқ шаклланмаган. Хўш, бундай ёшларимиз диний экстремизм ва терроризм каби ёт ғоялар таъсирига кириб кетмасликлари учун нима қилиш керак? Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов алоҳида тўхталиб, «халқимизнинг табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта хавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириб бориш керак. Халқимиз тафаккурида юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши

кучларга сафарбар этиш зарур», [2,4] - деган фикрларидан келиб чиқиб, масалага ёндашамиз.

Биринчи Президентимиз фикридаги “юксак ахлоқий, маънавий қадриятларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш орқали уларни ёвуз кучларга қарши сафарбар этиш зарур”, деган ғоялари тадқиқотимиз учун муҳим бўлган ечимлардан бирини кўрсатди. Биз “юксак ахлоқий қадриятларни қарор топтириш + мустаҳкамлаш + сафарбар этиш” учун ўз олдимизга бир педагогик саволни қўйдик. Ўзимизнинг мактаб, коллеж, лицейларимизда ўқиб, таълим-тарбия олган ёшларимизнинг аксарияти диний экстремизм ва терроризм ташвиқотида дуч келганда бузғунчи ғояга қарши ғоя билан зарба бериб, уларни фош этишмоқда. Лекин нима учун уларнинг айримлари ёт ғоялар домига тушиб қолмоқда? Ўсмир мафкуравий иммунитетининг маънавий ўзагини, қувватини қайси фазилатлар ташкил этади? Қайси миллий фазилатларимизни кучайтириб, ҳар бир ўсмирни қафолатли ғоявий химоя қилиш мумкин? Ва аксинча, қайси ахлоқий иллатлар диний экстремизм ва терроризм мафкурасига “йўл очиб бериши”, ўсмир қалби ва онгига кириб, сингишига қулай шароит яратиб бериши мумкин? Агар биз мана шу педагогик саволларга жавоб топсак, мактаб, коллеж ва лицейлардаги ёшларимизда ана шу маънавий фазилатни шакллантира олсак, улардан ёт ғояларга қарши тура оладиган, Ватанига фидойи инсонлар қилиб тарбиялай оламиз. Ўрганишлар натижасида ўсмир мафкуравий иммунитетининг маънавий ўзагини, қувватини қуйидаги фазилатлар ташкил этиши аниқланди: юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, ор-номусли, собитқадам, шижоатли, миллий қадриятларни билувчи, тарихимиз, маданиятимиз, буюк аجدодларимиз меросини чуқур билувчи, ватанга содиқ, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига олган, дахлдор, иймон-этиқодли, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай химояловчи, сахий, ўз мустақил фикрига эга, ғоявий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, эришган ютуқларимизни давом эттиришга қодир, меҳнатсевар, тадбиркор ва янгилликни тез илғайдиган, ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий, юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, огоҳ, юқори малакали, масъулиятли, етук мутахассис. Ўзибор берсак, бу фазилатлар шахсни диний экстремистик ва террористик мафкураларга қўшилиб қолишининг олдини олиб, шахс фаоллигини оширсак, бу маънавий фазилатлар шаклланмаган ёшларда маънавий бегоналашувни келтириб чиқариб, ёт ғоялар таъсирига кириб кетишига йўл очиб бериши мумкин. Ҳулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ёшларимизни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда мана шу таянч нуқтага ўзибор қаратиш, ҳар бир ота-она, ҳар бир ўқитувчи-педагог, қўйингки, шу юрт равнақида дахлдор ҳар бир шахс олдидаги энг асосий вазифадир.

Адабиётлар

1. Даминов И.И. Диний мутаассибликка қарши курашнинг ғоявий асослари. –Т.: Сано-стандарт, 2014.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: “Маънавият”, 2008, 176- б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Тошкент: “Ozbekiston” НМИУ, 2015, 304- б.
4. Кожушко Е.П. Современный терроризм: Анализ основных направлений. /Под общ. Ред. А.Е.Тараса. -Мн.: Харвест, 2000, -С. 448.
5. Куронов М. Эзгу ғоялар рўёби. -Т.: “Маънавият”, 2011, -С. 240.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ёшларни диний экстремизм ва терроризм мафкурасидан химоя қилишда маънавиятнинг тутган ўрни ҳақида сўз юритилади. Ёшларни юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш бўйича тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается роль духовности в защите молодёжи от идеологии религиозного экстремизма и терроризма. Также, в статье даются рекомендации для воспитания молодежи как идеальных людей.

The article is devoted to the discussion of the role of spirituality in protecting young people from the ideology of religious extremism and terrorism. The author of the article gives recommendations for educating young people as ideal people.

БАСЛАҰЫШ КЛАССТА МАТЕМАТИКА САБАҚЛАРЫН ОҚЫТЫҰДЫҢ СЫПАТЫН ХӘМ НӘТИЙЖЕЛИЛИГІН АСЫРЫҰ ЖОЛЛАРЫ

У.Ихласов – ассистент оқытыушы

Әжсинияз атындағы Нөкіс мәмлекетлик педагогикалық институты

И.Ихласов – ассистент оқытыушы

ҚРХБХҚТОҚАИ

Таянч сўзлар: ўйиннинг афзаллиги, мактаб фаоллиги, ўйин машғулотлари, оғзаки ҳисоблаш, сонлар таркиби, дидактик материаллар, масала ечиш, узвий математик таълим, мавҳум мантикий фикрлаш, математик жадваллар.

Ключевые слова: игровая активность, учебная активность, игровые упражнения, устный счёт, подбор чисел, дидактические примеры (задачи), решение задачи, неотрывное математическое образование, абстрактное логическое мышление, математические таблицы, вычисления.

Key words: game activity, studying (learning) activities, game exercises, oral calculation, picking figures, didactic models, solution of mathematical tasks, uninterrupted mathematical education, abstract logical mind, mathematical tables, calculations.

Биринши Президентимиз Ислам Каримовтын “Жокары манаўият-жеңилмес күш” шығармасында оқытыушы - тәрбияшылар ҳаққында төмендеги пикирлер айтылған еди: Бул жарық әлемде ҳәр бир адам өзиниң меҳрибан ата-анасына, устаз хәм муғаллимлерине де миннетдаршылық туйғысы менен жасайды. Инсан өз өмири даўамында қандай жетискенлик хәм нәтийжелерге ериспесин, қай жерде, қандай лаўазымда ислемесин, мектеп дәрғайында алған тәлим-тәрбиясы оның жетик шахс хәм тәжирийбели қәниге болып жетилесиўинде үлкен әхмийетке ийе екенине гүман жоқ.

Усы максетлердин унамлы нәтийжеге ийе болыуы, ең дәслеп, жас әўладқа илимий билимлер тийкарларын пухта үйретиў, оларда кең дүньяқарас хәм де пикирлеў көлемин пайда етиў, әдеп-икрамлылық сыпатын қәлиплестириў барысында тәлим-тәрбиялық жумысларды нәтийжели шөлкемлестириўге байланыслы болып табылады. Журтымыздың атын жәхәнге ен жайдырыў, уллы ата-бабаларымыз атынан жаратылған миллий-мәдениет мийрасты жәмийетке көрсетиў, оларды байытыў, ғарезсиз Өзбекстан Республикасының раўажланған мәмлекетлер қатарынан орын ийелеўин тәмийинлеў жас әўладты жетик инсан хәм тәжирийбели қәниге етип тәрбиялаўға байланыслы [1].

Сонлықтан да, ҳәр бир тараў қәниге ийелери өз пәниниң сыпатын хәм нәтийжелилигин асырыў тийкарында заманағөй педагогикалық технологиялардан пайдаланбақта. Усы заманағөй тәлим тийкарында, баслаўыш тәлим басқа тәлим басқышларынан ойынға тийкарланған тәлим технологияларына берилиўшенлиги менен ажыралып турады. Тийкарында, бул жағдай баслаўыш тәлим оқыўшыларының характери, дүньяқарасы, әлемди толық хәм образлы тәризде аңлатыўға ыңғайлылық ойлаў тәризинде келип шығады. Бакша дәўиринен мектеп дәўирине өтер екен, сыртқы жактан бала белсендилиги улыўма өзгередиди, оның турмыс тәрзи мектеп тәртип қағыйдалары тийкарында муўапықластырылады: кеминде 3 сааттан 5-6 саатқа шекем даўам ететуғын даўамлы сабақ мүддети, белгиленген тәнепислер, оқытыўшыны дыққат пенен тыңлаў кереклиги хәм т. б. Усы жағдайды психологиялық тәрәптен пүтин қылып, анық аңлатылса, баланың ойын белсендилиги мектеп белсендилигине орын босатып бередиди. Бирақ, бул мәселениң сыртқы тәрәпи ғана. Тийкарында, баланың бағша дәўиринен мектеп дәўирине өтиў бир қанша қурамалы психологиялық ишки сезим, процесслер тийкарында әмелге асырылады. Бул дәўирде, дерлик, барлық балаларда терең психологиялық бүлинген, шарасыз жағдайы бақланады. Буны бала ишки дүньясын жақсы сезе алатуғын жанкүйер педагог көзи менен қарап, баланың өз искерлигиндеги

өзгерислерге, сыртқы искерлиги өзгериўинен қорқыўы, қысыныўы тәризинде анализ етиў мүмкин. Минне, усы искерлик өзгерислерге қарап тәлим процесинде әмелге асырылатуғын ойын-шынығыўларды әмелге асырыў максетке муўапық.

Баслаўыш тәлим процесинде әмелге асырылатуғын ойын-шынығыўларын еки түрге бөледиди:

1. Кеўил көтериўши ойындар

2. Билим берийши ойындар.

Алымлардың айтқанындай, билимлендириў процесинде көпшилиқ оқытыўшылар тәрәпинен қолланылып атырған ойындар барлық ўақытта белсенди билим алыўға бағдарланған бола бермейди. оқытыўшы айырым ўақытларда балаларға дем берий, олардағы шаршаўдың алдын алыў максетинде дем берийши ойындардан пайдаланады. Бирақ, бундай ойындарды айырым оқыўшыларға шаршаў бақланғанда, ақылый зорығыўдың алдын алыў максетинде ғана қолланыў зәрүр.

Дидактикалық ойындарға қойылатуғын талап болса бир қанша қатаң тәртипке ийе. Себеби, олар туўрыдан-туўры тәлим максетине хызмет қылады. Оқыўшыларда билим алыўға ықлас, излениўшилиқ хәм тапқырлық искерлигин қәлиплестиреди.

Демек, оқытыўшы сабақта ойындарды қолланар екен, оның дидактикалық хәм кеўил көтериўши түрлеринен қай дәрежеде пайдаланыўын, жеткиликли дәрежесин билиў керек. Көрий хәм еситиўге байланыслы хызмет түри менен байланыслы көрсетпели қураалар, қызықлы сораўлар, ҳазил тапсырмалар, күтилмеген ўақыялар оқыўшы ақылый хызмети нәтийжелилигин тәмийинлейди [4]. Баслаўыш класслар менен ислесий барысында көп ойлаўға, жаңа оқыў қурааларын излеп табыўға, дәретиўшиликке туўры келеди, ойындардың әжайып атлары балалардың дыққатын аўдарыўға жәрдем бередиди, оларды жалықтырмайды, сабақта унамлы кейпийат оятады.

Көпшилиқ ойындар-ең қыйын математикалық байланыслардан бири. Көпшилиқ сан қурамының балалар тәрәпинен өзлестирилиўине көмеклесийши әжайып қураалардан есапланады. Дәстүрге ылайық, биринши онлықтағы сан хәм қатар тәртип пенен дәслепки таныса баслаған ўақыттан баслап-ақ балалар сан қурамын оқып алыўы керек. Соны хәм айтиў керек, усы ўазыйпа олар ушын хәмме ўақыт да аңсат бола бермейди, себеби буның ушын балаларда санлардың қурамын парықлаўға тийкарланған дәлил, ойлаўының жақсы шынықтырылған болыўы талап етиледиди: алты — 3 хәм 3; 2 хәм 4; 5 хәм 1 ; 2, 2 хәм және 2 дегени. Оқыўшылардың сан хәм тәртибин есте сақлап қалыўының өзи менен ис питейди, соны умытпаў керек, сан хәм қатар тәртиби усы тақылетте еслеп ғана қалыў жети жасар балалар ушын жүдә характерли. Оқытыўшы жумысының соншелли қурамалылығы да, әне, сонда. Сонлықтан да оқыў

материалын пухтарак өзлестириў ҳәм оқытыўдын сыпатын ҳәм нәтийжелилигин асырыў ушын бир қанша дидактикалық ойындардан пайдаланыў әҳмийетли. Бул ойындарды өткизиў жақсы нәтийже береді. Олар төмендегише:

„Не өзгерди?“

Дидактикалық тапсырма: 4 саны қурамының хәр түрлі вариантларын беккемлеў.

Ойын тапсырмасы: балалардың турған жерин есеп қалып, олардың орын алмастырғанлығын биліп (яғни 4 саны қурамын көрсетиў).

Ойыннан бурын ауызеки есаплаў шынығыў өткизиледи. Балалар мәселе ойлап табады. Мысалы: Карим „Бир терек бар еді, және үш терек отырғызылды, енді тереклер төртеў болды“, — дейди. „Еки машина турған еді. Және еки машина олардың қасына келип тоқтады“, — дейди Рахим — енді машиналар саны төртеў болды.

“Ең жақсы есапшы”.

Жазыў тахтасының да оң тәрәпинде, ҳәм шеп тәрәпинде мысаллар жазылған, олардың муғдары хәр қыйлы.

9*9	7*8	4*8	6*7
3*8	9*4	9*3	7*3

Оқыўшылар топар бойынша жуўапларды жаза баслайды: бир оқыўшы оң тәрәптен, екіншиси шеп тәрәптен. Тапсырманы биринши болып орындағандар утып шығады.

Бул ўазыйпаны өткергенде есте қалыў қыйын болған көбейтиў ҳәм бөлиў қағыйдаларын тез-тез тәкирарлаў керек. Оқытыўшы жол қойылған қәтелерди жазып барады, соң оларды алдыннан таярлап қойылған ленталарға жазады.

Дене тәрбия минутларында да ойындар өткеріў мүмкин, олар кесте жәрдеминде көбейтиў ҳәм бөлиў тараўындағы билимлерин қәлиплестириўге жәрдем береді. Бул төмендегише әмелге асырылады.

Оқыўшы партадан шығады, оқытыўшы қәлеген бир мысалды (7х5) айтады, оқыўшыға топ ылақтырады, ол мысалдың жуўабын айтып турып, топты оқытыўшыға қайтарады. Соң оқытыўшы және мысал айтып, топты басқа оқыўшыға ылақтырады х.т.б. [2].

“Достыңа пәнт берме”.

Жазыў тахтасының қасына еки оқыўшы шығады. Оқытыўшы (6х9) мысалын оқыйды. Мине сол номерлер менен 4 көбейтиў ҳәм бөлиўге байланысly мысал дүзиўин айтады. Биринши оқыўшы көбейтиўге, екінши-бөлиўге байланысly мысаллар дүзеді. Егер мысаллар дүзип, дурыс шешсе, балалардың исиндеги татыўлығы макулланады. Тахтадағы жазыў төмендегише көринисте болады:

6х9=5	454:6=9
9х6=5	54:9=6

Бул жерде жүдә керекли нәрсе сол, балалар белгили нәрсениң дурыс бөлимин табыў ысылын өзлестирип алыўы. 6х9=54 мысалынан 54:6=9 ҳәм 54:9=6 мысаллары келип шығыўын түсинип жетиўи керек.

“Күн ҳәм түн”.

Оқытыўшы “түн” сөзин айтқанда, оқыўшылар басларын партаға қояды ҳәм көзлерин жумады. Сол ўақытта оқытыўшы ауызеки есаплаў ушын қосыў ҳәм

алыўға ямаса бөлиў ҳәм көбейтиўге байланысly мысалды оқыйды. Қысқа тәнепис жүзеге келеди. Кейин оқытыўшы бундай дейди: “Күн”. Балалар туўры отырады. Ким есаплап болса, қолын көтерип жуўапты айтады. Бул ўазыйпа балаларға жүдә унайды. Ўазыйпаның қымбатлы тәрәпи сонда, ол бир қанша төмен пикирлеўши балаларға есаплаў ўақтында пикирин бир жерге жәмлеўге имканият береді, оларды мысалларды жазыў тахтасындағы жазыў бойынша емес, еситип турып ойлаўға үйретеді.

Жоқарыда келтирилген дидактикалық мысаллар математика тәлим мазмунында оқыўшылардың ғәрезсиз пикирлеў белсендилегин күшейтиўге имканият береді ҳәм олардың ойлаў қәбилетин, дәретиўшилиқ пикирлеўин кеңейттиреді.

Баслаўыш математика сабақларын оқытыўдың сыпатын ҳәм нәтийжелилигин асырыў ушын математика пәнине болған қызығыўшылығын арттырыў, ақыйлы қәбилетлерин өзлестириў жүдә керекли ўазыйпа болып саналады. Класс оқыўшылары математика сабақларында әтираптағы хәдийселерди муғдары тәрәпинен анализ қылыў, есаплаў ҳәм мәселелер шешіўге үйренеди. Егер, үйренилип атырған мағлыўматлар қызықлы баян етилсе ҳәм оқытыўшы балалардың дыққатын сабаққа дурыс қарата алса, оқыўшылар оны аңсат өзлестирип алады.

Жоқарыдағы дизимге алынған жумыслар нәтийжесинде математикалық билимлерди беріў процесин шөлкемлестириўши жөнелислерди әмелге асырыў метод ҳәм қурааларды үзликсиз математикалық тәлим системасын әмелиятқа киритиў тәмиинленеди, педагогикалық технологияларды қолланыў ушын ислеп шығылатуғын оқыў-методикалық, дидактикалық тарқатпа материаллар, методикалық қолланбалар үзликсиз математикалық тәлим системасы әмелиятына енгизиледи [3].

Педагогикалық технология оқытыў ысылы, белгили мәнисте тәлим-тәрбия процесслери, қураалары, көринис ҳәм методдары комплекси сыпатында оқыў материалларын таңлаў, қайта исләў, оқыўшылардың күшине, өзлестириў өзгешеликлерине сәйкеслеп метод ҳәм қурааларды ислеп шығыў ҳәм шөлкемлестириў системасы болып есапланады. Мине, усы педагогикалық технологиялардан нәтийжели пайдаланыў ауызеки есаплаўға байланысly көнликпелерди турақлы түрде тексерип барыўға жәрдем береді, балалардың дыққаты күшейтириледи. Нәтийжеде, баслаўыш класс математика сабақларын оқытыўдың сыпаты ҳәм нәтийжелилиги артады ҳәм белсенди ғәрезсиз пикирлеўге үйренеди. Белсенди ҳәм ғәрезсиз түрде пикирлеўге тек ғәрезсиз белсенди жумысларда үйрениў мүмкин. Баслаўыш класс оқытыўшысы оқыўшыларды көргизбелі түсиникли пикирлеўинен баслап, абстракт - логикалық пикирлеўге үйретеді. Абстракт - логикалық пикирлеўде көргизбелі көрсетпе материаллардан, әсиресе, кейинги пайытларда кең тарқалған жәрдемши сигналлар ҳәм схемалардан пайдаланыў үлкен әҳмийетке ийе болады. Ақыйлы раўажланыў ушын сондай кесте ҳәм системалар дүзиўди үйрететуғын тапсырмаларды орынлаў оқыўшылар ушын жүдә керекли.

Әдебиятлар

1. Каримов И. А. “Юксак маънавият-енгилмас куч” –Тошкент: «Маънавият», 2008.
2. Жумаев М. “Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикасидан лаборатория машғулотлари”. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006, 256-б.
3. Таджиева З.Ғ ва б. Бошланғич синф математика таълими самарадорлигини оширишда тарихий материаллардан фойдаланиш. –Тошкент: Жаҳон-Премет, 2007, 100-б.
4. Толипов У. Педагогик технология. –Тошкент: «Фан», 2005, 205-б.

РЕЗЮМЕ

Мақола асосида, бошланғич синфларда математика дарсларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали уни такомиллаштириш масалалари ётади. Муаллиф мақолада янги математик уйин намуналарини тавсия қилган ҳолда улардан фойдаланишнинг ҳар хил йўллари кўрсатиб берган.

В статье рассматриваются вопросы дальнейшего улучшения методов проведения уроков по математике в начальных классах средних общеобразовательных школ. Автор уделяет особое внимание игровым методам, используя их в поэтапном построении изо дня в день. Модели математических заданий просты и отвечают возрастным особенностям детей.

SUMMARY

The article deals with the problems of further improving of teaching mathematics in elementary classes of secondary schools. The author suggests some practical methods- mathematical games which are often used in stages from the very beginning. The model of mathematical tasks are simple and they correspond to children's ages.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН “ДАРС ЖАДВАЛИ”
АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Д.Ш.Зиядуллаев – техника фанлари номзоди, доцент
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

А.Д.Сапаров – биология фанлари номзоди, доцент
Ажинияз номидаги Нукус давлат педагогика институти

М.Ш.Рахмонов – катта ўқитувчи

М.Абдувоҳидов – катта ўқитувчи

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: оптималлаштириш, хромосома, оптимал, альтернатив.

Ключевые слова: оптимизация, хромосома, оптимальная, альтернативная.

Key words: optimization, chromosome, optimala, alternative.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш усулларида бири дарс машғулоти режасини оптимал амалга ошириш ҳисобига эришилади. Бу муаммони ҳал этиш, яъни автоматлашган тизим яратиш бўйича кўплаб олимлар амалий иш олиб борганлар. Ҳозирги вақтда бу муаммо маълум маънода тўлалигича ечилмаган. Топшириқнинг долзарблиги шундаки, таълим сифатини оширишда талабаларнинг ишларини тўғри режалаштириш, ҳоналар етишмаслигини муаммосини ҳал этиш, аудиториялардан оптимал фойдаланиш, ўқитувчиларнинг машғулоти параллел келиши каби кўплаб муаммолар киради. Дарс машғулоти жадвалини яратиш жараёнида кўплаб қарама-қаршиликларни ўрганиш ва қўлланмаган тасодифий омилларни ҳисобга олиш зарур бўлади:

- профессор-ўқитувчининг бандлиги;
- аудиториялар фонди;
- асосий ва альтернатив машғулоти мавжудлиги;
- лаборатория машғулотида мос лабораториялар бандлиги;
- ҳафталик ўқув юклама чегарасидан ортиб кетмаслиги;
- ўқув предметларининг ўқув соатлари ва бошқалар [2].

Ўқув машғулоти жадвалини тузиш ўқув жараёнини бошқаришнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Агар дарс машғулоти жадвалини автоматлаштириш вазифаси ҳал этилмас экан, олий таълим тизимининг массавий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолади. Шунингдек, дарс жадвалини муваффақиятли тузилиши бир неча омилларга таъсир этади:

- a) таълим сифати;
- b) таълим иқтисодий самарадорлиги;
- c) ўқитувчилар таркиби билан ишлаш ва талабалар ўқиш қулайлиги.

Ўқув машғулоти раёнинг автоматлаштириш процедурасини тузиш қуйидагиларга руҳсат беради:

- дарс жадвалига қўйилган кўплаб талаб ва шартларни ҳал этиш;
- қатъий, яхши тузилган, аниқ мақсадли дарс жадвалини шакллантириш;
- тузилган дарс жадвалга оптимал ва мезонли ёндашувни амалга ошириш;
- дарс жадвал тузишга сарфланган вақтни сезиларли камайитириш.

Автоматлашган дарс жадвалининг кейинги оптималлаштириш босқичи юқори ҳажмли мураккаб комбинацияли топшириқ бўлиб, буни ечиш учун кўп даражали оптимизация методини қўллаш, кўплаб

тасодифлар назарияси, генетик алгоритмлар, экспертли тизим методлари, шунингдек дастурий маҳсулот ишлаб чиқишга тўғри келади. Дарс жадвал сифатини кўтариш ва сарфланаётган вақт сарфини камайитириш учун махсуслашган генетик алгоритм (ГА) қўллаш билан дарс жадвали тузиш жараёнини автоматлаштириш таклиф этилади [3]. ГА қуйидаги хоссалар билан боғлиқ равишда қўлланилади: топшириқни ечиш усулини кидириш номаълум ёки анъанавий ечиш усули мавжудлиги, бироқ у ўта сермехнатлидир.

ГА ишланмасининг энг қийин босқичи, мослашувчанлик функцияси ёки фитнес - функция қийматларни ҳисоблаш ва хромосомалар кодировкасини амалга ошириш бўлади. ГА қўллаш учун қуйида келтирилган ахборот ўқитувчининг ўқув юкламасига эга деб ҳисоблаймиз: интизом тўғрисида; машғулоти тури; ҳафтада ўқув соатлар миқдори; у ўқитадиган гуруҳлар; мураббийлик. Дарс жадвал сеткасига ўқув юкламани жойлаштириш зарур, яъни ҳар бир ячейка ҳафта номери (суръат/махраж), ҳафта кунлари, ленталар номери, аудиториялар номери билан характерланади [3]. Хромосомалар бу-машғулоти жадвал варианты, машғулоти жадвали тўплами эса ўзида популяцияни ифодалайди. Хромосомани кодлаштириш қуйидаги усулда амалга оширилиши мумкин:

Ҳар бир ўқитувчи хромосома қисми - жадвал сеткасини олиб кетади, ген қиймати ўқув юкламаси бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи хромосома қисми - унинг барча ўқув юкламасини олиб кетади, ген қиймати жадвал сеткадаги ячейка коди бўлади.

Бироқ бундай кодлаштириш усули, хромосомалар мумкин бўлмаган қийматларга эга бўлиши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида бир гуруҳда турли ўқитувчилар машғулоти тўғри келиб қолади, бундай популяциялаш эришиб бўлмайдиган мазмунга эга бўлади. Хромосомаларни баҳолаш учун фитнес-функция қўлланилади, хромосомаларни декодлашда жарималар суммасини аниқлаш берилади. Жаримага қуйидагиларни олиб келиш мумкин:

- “машғулоти орасида ойна” мавжудлиги;
- кунликда лента миқдорини ошириш мумкинлиги;
- кунликда маъруза миқдорини ошириш мумкинлиги;
- кетма-кет олиб бориладиган, кунликда маъруза миқдорини ошириш мумкинлиги;
- ҳафта иш кунларида ўқитувчилар миқдорини ошириш;

- қачонки ўқитувчи машғулоти олиб бориши иложсиз бўлганда (масалан кенгаши йиғилиши, хизмат сафари ва бошқа), ўша машғулоти этиборга олиш;

- инсталланган ўқитувчини кўрсатиш, ўша машғулотида этиборга олиш ва бошқа.

Популяция генерация мақсади мослаштириш функция минимал қиймати билан дарс жадвали тузишни ташкил этиш бўлади.

Бошқа хусусияти дарс жадвали мураккаб структураланган вариантларнинг объектлар альтернатив таҳлилларини таклиф этади.

Вариантларни таққослаш учун турли модификацияларга иерархик таҳлил методи (ИТМ) қўлланилади. Автоматлашган тизимга аудитория фонд тақсимлаш бўйича турли қарама - қаршилиқлар пайдо бўлади, масалан диспетчерлар эскирган усулларни маъқул кўрадилар. Бундай ёндашув дарс жадвали вариантлар танлов бошқаруви бўйича муаммоларнинг ҳал

этиш шаклини яққол тавсифлаб беради. Дарс жадвалини танлаш бўйича топшириқ модели дарахт ёрдами билан шакллантирилади. Топшириқни ечиш учун Т.Саатининг модифицирланган иерархик таҳлил методи ишлатишга тўғри келади [1]. У афзал кўрилган баҳолаш интеграл бўйича вариантларни тартибланишга рухсат беради. “Дарс жадвали” ахборот тизимини ишлаб чиқиш учун My SQL, Delphi, Php, Excel, Word ва бошқа дастурий таъминотлардан фойдаланилди.

Ҳозирги вақтда айрим олий таълим муассасаларида “Дарс жадвали” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув дарс машғулоти жадвалини тайёрлашда амалий равишда ишлатилмоқда. Дастурий маҳсулот ишга тушгандан сўнг химоя тизим ойнаси пайдо бўлади. Керакли майдонлар тўлдирилгандан сўнг дастур интерфейси намоён бўлади.



Subj	Uqituvchining ismi-sharhi	Sana	Daqqat
1. Informatika	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
2. Kompyuter tizimlari	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
3. Kompyuter grafikasi	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
4. Kompyuter grafikasi va Web dizayn	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
5. Kompyuter grafikasi va dasturlash tillari	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
6. Oliy matematika asoslari	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
7. Matematika tashkil	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
8. Mexanika	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
9. O'zbekiston tarixi	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
10. Chat tili	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
11. Fizika-dan masalalar yechish	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
12. Jismoniy madaniyat va sport	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
13. Rus tili	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab
14. Kompyuter ilmi-ga kirish	Abdug'afurov F	2.12.2018	Maktab

Автоматлаштирилган ахборот тизим куйидаги қулайликларни яратиб беради:



- машғулоти оқими жойлашувини кузатиш ва таҳрирлаш;
- гуруҳ ва гуруҳостилар учун машғулоти жойлашуви;
- ўқитувчилар учун машғулоти жойлашуви;
- машғулоти учун ўқув аудиториялар жойлашуви;
- аудитория, гуруҳ, гуруҳости, ўқитувчиларнинг бандлигини назорат қилиш;

- машғулоти жадвали ва ўқув юкларларида соатлар миқдори учун назорат қилиш;

- гуруҳлар ва ўқитувчиларнинг ўқув юкларларини таҳрирлаш.

Шунингдек, дастур маълумотлар омборига янги гуруҳ, фанлар, ўқитувчилар таркиби ва бошқалар қиритиб борилади. Маълумотлар омбори ўқув ишлар бўйича декан ўринбосарлари томонидан тўлдириб борилади.

Дастурнинг ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайлик томонларидан яна бири дарс жадвали Интернетдаги Веб сайт орқали ҳам фойдаланиш имкониятидир.



Шундай қилиб, ўқув дарс жадвалидаги қўлаб муаммолар ўрганилиб, бу автоматлашган ахборот тизими ёрдамида ижобий ҳал этилмоқда. Фойдала-

нувчиларнинг талаб ва истаклари ўрганилиб, автоматлаштирилган “Дарс жадвали” ахборот тизимининг янги версияси фойдаланишга тайёрланмоқда.

Адабиётлар

1. Гамма Э. Приёмы объектно-ориентированного проектирования. Паттерны проектирования / Э. Гамма, Р. Хелм, Р. Джонсон, Дж. Влиссидес.-СПБ: «Питер», 2007.
2. Молодой учёный. Международный научный журнал. № 9 (113) 2016.
3. Трещев И.А., Григорьев Я.Ю., Воробьев А.А. Система защиты конфиденциальной информации для высших учебных заведений «Электронный университет» Интернет-журнал. Науковедение. 2013, №1. -С.44.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ОТМ машғулоти дарс жадвалини тузишнинг автоматлаштирилган методи қўриб чиқилган. Унда ишлаб чиқилган асосий йўналиш - дарс жадвалининг автоматлашган режимини яратиш бўйича олинган натижалар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены методы автоматизированного составления расписания занятий вуза, основные направления разработки, представлены имеющиеся результаты по созданию расписания в полуавтоматическом режиме.

SUMMARY

The article is devoted to the presentation of the methods of computer-aided scheduling of the university's lessons, the main directions of development, the available results on the creation of the schedule in the semi-automatic mode.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ: КЕЛАЖАК ИСЛОҲОТИ

З.Календарова - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ижтимоий, сиёсий, иқисодий, ақлий, ахлоқий, таълим, тарбия, педагог, малака, маҳорат, педагогик технология, билим, кўникма, ўқув-методик, дидактик, инновацион, метод, муаммоли, методика, мулоқот, ибрат, намуна, диққат.

Ключевые слова: социальный, политический, экономический, умственный, нравственный, образование, воспитание, умение, знания, навыки, педагогические технологии, метод, проблемный, учебно-методический, методика, метод, общение, пример, образец, внимание.

Key words: social, political, economic, mental, moral, formation, education, habits, skills, pedagogical technologies scholastic-methodical, methods, method, contact, example, sample, attention.

Мустақил республикамиз учун ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялаш ҳаётий муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг равнақи, ижтимоий, сиёсий, иқисодий фаровонлиги фуқароларнинг ақлий ва ахлоқий салоҳияти ҳамда уларнинг маънавий даражада юксак ривожланишига боғлиқ.

Дарҳақиқат, жамиятимизнинг тараққий этиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик давлат қурилиши етук ва малакали кадрларсиз ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсад ва вазифаси инсон ҳамда унинг ҳар томонлама ўсиб улғайиши, камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва уларнинг таъсирчан механизмларини яратишдан иборат.

Бугунги кунда республикамизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг изчил механизмини яратиш ҳамда унинг дастлабки ва муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда баркамол авлодни шакллантириш мақсадида мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш билан боғлиқ комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилаётгани барчамизга маълум. Агар ўсиб келаётган болага мактаб чоғидан пухта билим ва қадриятлар сингдирилса, келажакда у уйғун ривожланган шахс бўлиб камол топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” [1] талаблари асосида мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни истиклол мафқураси руҳида соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборат.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида тарбия ишларини такомиллаштириш, педагоглар малакаси ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш масалаларига, маърифий-тарбиявий ишлар ҳамда соҳа мутахассисларини тайёрлаш сифатини янада оширишга, таълим жараёнида жамоатчилик ва оналар фаоллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, боланинг дастлабки билим ва кўникмалари, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар аксарият ўринларда чуқур илмий асосга эга бўлмаганлиги маълум бўлди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, жумладан:

- ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;

- миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди;

- мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермаяпти.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек:

- мазкур соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти;

- мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг ҳозирги ҳолати болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ камраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти;

- ходимларни моддий рағбатлантиришнинг паст даражаси болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-2017 йилларда ушбу тизимга оид фармон ва қарорлари [2,3,4,5,6,7] қабул қилинди. Уларда мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

- болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

- мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш;

- таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

- замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инobatга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш қабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқоридаги каби вазифаларни амалга ошириш мактабгача таълим турли ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш билан бирга, уларни соғлом, ҳар томонлама

етук килиб тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, уларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади.

Болаларни халқнинг бой миллий маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида ақлий ва маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялайди. Уларда миллий ғурур, ватанпарварлик ҳислатларини шакллантиради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг билим олиш эҳтиёжини, ўқишга интилишини шакллантиради, уларни мунтазам равишдаги таълим жараёнига тайёрлайди. Болалар фикрини мустақил ва эркин ифодалаш малакаларини шакллантиради. Уларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини таъминлайди.

Бола шахсини шакллантиришда тарбиячи алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади. Шунга қўра, тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машғулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида, улар билан бўладиган муомалада, мулоқотда ибрат, намуна бўлиши болани ҳар томонлама диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педагогик назоратини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атвори иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши ва уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши ҳамда оилавий аҳволи билан қизиқиши зарур ҳисобланади.

Инсон ҳаётида мактабгача ёш, мактаб ёши даври, ижтимоий етуклик ва катга ёш даври бўлади. Бу даврларнинг ҳар бири ичида ёш босқичлари бўлиб, улар инсон камол топишида муайян ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишининг вазифаси, мазмуни восита ва методлари бу ёшдаги болаларнинг нозиклиги, ёрдамга муҳтожлиги, ҳаётга мослашганлигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Бошқа ёшга келганда болаларда мустақиллик ҳаётга мослашувчанлик анча ўсган бўлади. Шунга қўра, бу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини амалга ошириш усуллари ўзгаради. Боғча ёшининг охирига

келганда болаларнинг ривожланиш даражалари улар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини бир-мунча мураккаблаштиришни тақозо этади [8].

Болаларда тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қоидалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутди. Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини ўргатиш асосида ривожланади. Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш зарур. Тарбиячи кичкина болаларга айрим хатти-ҳаракатларни сюжетли ўйинчоқлар билан ўйнаш орқали кўрсатади. Шунингдек, тарбиячи болаларни тенгдошлари билан саломлашишга, ҳаммаларини янги келган кишининг саломига жавоб беришига одатлантиради, касал болага хат ёзишни, унга расмлар юборишни ёки телефон қилишни тақлиф этади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялаш болаларнинг фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган катталарнинг маълум мақсад асосидаги таъсир этишдир. У болаларга теварак-атрофдаги олам ҳақида билимлар беришни, уларни тизимлаштиришни, болаларда билишга қизиқиш уйғотиш, ақлий қўникмаларни шакллантиришни, билим қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, республикамызда мактабгача таълимда амалга оширилаётган туб ислохотлар бугунги кунда боғчаларда шаклланаётган авлод ижобий хулқ-атвор меъёрлари ва қоидаларини, илмий билим асосларини, билим ва қўникмаларини ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қилади. Бунинг учун ўсиб келаётган ёш авлодни билимлар билан қуроллантириш миллий қадриятларимиз, маънавиятимизни тиклаш жаҳон маданияти, миллий маданиятимиз дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний соғлом маънавий етук қилиб тарбиялашдек вазифалар қўйилди. Давлат аҳамиятига молик бундай вазифани амалга оширишда халқ таълимининг бошланғич бўлими бўлган болалар боғчалари муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини талаб ва назорат қила билиши давлатимиз мактабгача тарбия муассасалари олдида қўйган талабларни амалга оширишнинг гаровидир.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Адолат 18-сон. 1998. 281-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3289-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарорига 1-илова “Ўзбекистон республикаси мактабгача таълим вазирлиги тўғрисида Низом”.
8. Шодмонова Ш. Мактабгача таълим педагогикаси. -Т.: “Fan va texnologiya”, 2008, 160-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактабгача таълим тизимидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари, бу тизимни такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарорларида кўрсатилган вазифалар ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о проблемах в системе дошкольного образования, путях их устранения, совершенствований данной системы которые указаны в задачах правительственных законов.

SUMMARY

The article deals with the problems in the system of pre-school education, ways of their liquidation and improvement of this system pointed in government's laws.

УДК 316.6

СОЦИАЛЬНАЯ ПСИХОЛОГИЯ ЗДОРОВЬЯ: ПОДХОДЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ИССЛЕДОВАНИЯ

М.Х.Карамян – кандидат психологических наук, доцент
НУУз имени М.Улугбека

Таянч сўзлар: саломатлик, саломатликнинг ижтимоий психологияси, биопсихосоциал ёндашув, экологик ёндашув, соғлом хулқ-атвор.

Ключевые слова: здоровье, социальная психология здоровья, биопсихосоциальный подход, экологический подход, здоровое поведение.

Key words: health, social health psychology, biopsychosocial approach, ecological approach, healthy behaviour.

Здоровье, представляя собой одну из доминирующих индивидуальных и общественных ценностей, является ключевой составляющей социально-экономического и культурного развития страны. Именно в связи с этим одним из основных направлений современной психологической науки становится психология здоровья.

Психология здоровья представляет собой относительно молодую (возникновение датируется 70-ми годами XX века), динамично развивающуюся отрасль научного знания, предметом которой выступают психологические особенности личности, способствующие вовлечению человека в ведение здорового образа жизни. При этом основное внимание уделяется рассмотрению людей не только в качестве пассивных потребителей различных услуг здравоохранения, но и поиску способов активизации их усилий по сохранению собственного здоровья на основе социально-психологических знаний. Актуализация необходимости применения социально-психологических знаний сформировала в русле психологии здоровья социальную психологию здоровья.

Целью настоящей статьи выступает анализ основных методологических подходов социальной психологии здоровья и перспектив научно-практических исследований на основе выделения социально-психологических аспектов здоровья и болезни.

На настоящий момент существует достаточное количество учебных и научно-исследовательских монографических работ и публикаций в психологической периодике, посвященных социально-психологическим аспектам здоровья и болезни. При этом в названиях этих работ данная проблематика выносится под наименованием либо «Социальная психология здоровья» либо «Социальная психология и здоровья», «Социально-психологические подходы к здоровью». Фактически в этих работах концептуализируются теоретические, исследовательские и практические положения новой отрасли научного знания – социальной психологии здоровья.

Примером доказательства пристального внимания социальной психологии к проблематике здоровья являются главы: «Социальная психология и здоровье» в книгах известных социальных психологов: в книге Эллиота Аронсона, Тима Уилсона и Робина Эйкерта «Социальная психология. Психологические законы поведения человека в социуме» и книге Шелли Тейлор, Летиции Пипло и Дэвида Сирса «Социальная психология». И.Н.Гурвич (1999) подчеркивает, что социальная психология здоровья – это область социальной психологии со специализированным теоретическим аппаратом и значительным объемом эмпирических данных [6].

Методологические подходы в социальной психологии здоровья. Здоровье рассматривается в социальной психологии здоровья в контексте биопсихосоциальной и экосистемной парадигм. Биопсихосоциальная парадигма Дж.Энджела (1977) отражает экосистемное понимание природы заболеваний и здоровья и лежащей в основе современной социальной психологии здоровья [2, 3].

Биопсихосоциальный подход исходит из понятия о целостности человека, сложности причин, обуславливающих его поведение, о значении всех аспектов жизни человека в понимании состояния здоровья и болезни [2, 3]. В связи с этим и другое название этой модели – «холистическая». Это понятие, по мнению, Н.Берковитц (1998), является одновременно и экологическим, и системным. Оно является экологическим, так как подразумевает существование взаимозависимости между индивидом и окружающей средой, которая представляет собой связанные и взаимоизменяемые уровни социальной организации. Системным же это понятие считается потому, что включает в себя представление о биологических, психологических, социальных факторах как важных детерминантах здоровья и болезни [4].

В современных публикациях ученые доказывают необходимость применения динамической биопсихосоциальной модели [9]. Использование понятия «динамика» подчеркивает, что влияние биологических, психологических, межличностных и контекстуальных факторов на состояние здоровья человека не является строго фиксированным. К примеру, можно исследовать, каким образом группа сверстников подростка и его близкие дружеские отношения влияют на развитие здоровых привычек [9].

Биопсихосоциальная и экосистемная модели здоровья учитывают психосоциальный контекст при рассмотрении здоровья и болезни и подчёркивают роль эмоциональных, мотивационных и личностных характеристик человека в определении состояния его здоровья [2, 3, 4]. Важным в этих моделях представляется и межличностный контекст, который, по мнению Б.Дж.Леман, Д.М.Дэвид и Дж.А.Грубер (2017), часто сводится исследователями к отдельным статичным измерениям, а не к комплексному изучению межличностных связей. К ним, к примеру, относят коммуникативный стиль врача, давление сверстников, родительские стили взаимодействия [9].

Таким образом, в науке при определении существенных признаков здоровья постепенно происходит смещение акцента с медицинского в сторону биопсихосоциального и экосистемного подходов, учитывающих особенности включения человека в социальные системы и его культурного развития. Здоровье предстаёт как интегративная и динамическая характеристика личности и рассматривается сквозь призму личностного роста человека, стратегии совершения им выборов в процессе жизни.

Проблематика социальной психологии здоровья и перспективы исследования. Социально-психологический подход к пониманию здоровья и болезни прослеживается в основных направлениях научно-практических исследований [1, 6, 7, 13, 14]. Во-первых, в нём раскрывается значение ценностных ориентаций, установок и убеждений, связанных со здоровьем, психосоциальной поддержки, социально-психологических особенностей личности (например, гендерные характеристики, locus контроля) в поддержании человеком здоровья в том или ином состоянии. Во-вторых, социально-психологический подход учи-

тывает как социальные факторы (пол, возраст, уровень образования, семейное и материальное положение, социальный статус), так и психосоциальные особенности личности. В-третьих, в рамках этого подхода возможно не только изучение здорового или нездорового поведения, но и выработка стратегий его изменения на основе знания социально-психологических особенностей личности.

Исследователи указывают на роль социальной психологии в улучшении общественного здоровья, на необходимость учёта культуральной специфичности здорового поведения и при разработке программ обучения здоровому образу жизни. К примеру, при проведении исследований важно обращать внимание на то, что «стресс социальных изменений» может вести к росту потребления алкоголя и наркотиков, в первую очередь, в молодежной среде [5].

Особое место в социальной психологии здоровья занимают социально-психологические модели здорового поведения. Например, в теории запланированного поведения (I.Ajzen, 1991) подчёркивается, что поведение есть функция намерения, которое обуславливается установкой человека на выполнение действия и субъективными нормами. В связи с этим нормативные представления подростка или юноши о курении могут быть связаны не только и не столько с отношением к этой привычке взрослых, сколько с восприятием им курения как способа самовыражения, средства достижения статусной позиции в референтной группе.

Исследователи обращают внимание на изучение социальных представлений о здоровье и болезни, понимание которых позволяет проследить их влияние на здоровое поведение. Так, И.Б.Бовина (2008) показала, что теория социальных представлений раскрывает их социокультурные особенности. В частности, представления о здоровье включают в себя физическое благополучие, активность и внешность здорового человека [1].

Мотивационные аспекты поведения, направленное на здоровье, представляют собой ключевой вопрос современной социальной психологии здоровья. Исследователи доказывают роль саморегуляции, постановки целей и их достижения в реализации здорового поведения [15]. При этом в специальной литературе обсуждается, что мотивационные модели здорового поведения не учитывают иррациональность и динамичность поведения человека, сложность его мотивационной сферы [11].

Интересным представляется исследование социально-психологических аспектов здоровья и болезни применительно к процессу старения. В частности, изучается влияние фактора «lay consultations» («обращение за помощью к неспециалистам») на состояние здоровья человека в период старения. Обращение за помощью к неспециалистам – шаг на пути к системе здравоохранения. При этом пожилые пациенты в зависимости от своего пола почти в 2 раза чаще обсуж-

дают симптомы плохого самочувствия с женщинами, чем с мужчинами [7].

По мнению Ш.Тейлор, зона вклада социальной психологии в психологию здоровья определяется значением социальной поддержки и социальной изоляции для здоровья человека и ролью аттитудов в процессе изменения поведения, связанного со здоровьем [14]. Так, качественный сон человека зависит от снижения уровня возбуждения и тревожности, уменьшению которых может способствовать эмоциональная поддержка брачного партнера. Отзывчивость партнера латентно предсказывает субъективно воспринимаемое человеком качество сна [12].

Перспективным направлением исследований в социальной психологии здоровья является изучение влияния расового или этнического неравенства на состояние здоровья соответствующих расовых или этнических групп. Социально-психологические теории объясняют, что мысли, чувства и поведение, связанные с принадлежностью к определенной расе и этнической группе, играют критическую роль в детерминации здоровья. Например, социально-психологические процессы категоризации, формирования идентичности, стереотипизации и стигматизации могут влиять на взаимодействие пациентов, являющихся представителями расовых и этнических меньшинств, и врачей, принадлежащих к большинству [10].

Ш.Тейлор считает будущим социальной психологии здоровья расширение понимания взаимосвязи личностных факторов и достижения изменений в установках и поведении; использование открытий, сделанных с помощью методов, подобных функциональной магнитно-резонансной томографии, для более тщательного изучения изменений поведения, стресса и совладания; открытие психологических и биологических механизмов, посредством которых социальное окружение воздействует на психическое и физическое здоровье; уточнение взаимосвязи особенностей социального окружения и изменений в состоянии здоровья различных социальных групп; изучение эпигенетической регуляции состояния здоровья посредством социального окружения [14].

Социальные психологи выделяют две группы препятствий для осуществления ими эффективных исследований здоровья: 1) методологические проблемы (нечастые измерения поведения, использование удобных выборок); 2) нормы, принятые в науке (недостаток междисциплинарных исследований, фокус на фундаментальных, а не на прикладных исследованиях и др.) [8].

Таким образом, потенциал развития социальной психологии здоровья заключается в расширении междисциплинарных научно-практических исследований на основе применения биопсихосоциальной модели здоровья и болезни и социально-психологических теорий для разработки профилактических программ, актуальных в сфере улучшения индивидуального и общественного здоровья.

Литература

1. Бовина И.Б. Социальная психология здоровья и болезни. / И.Б.Бовина. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Аспект Пресс, 2008. – С. 263.
2. Engel G.L. The Need for a New Medical Model: A Challenge for Biomedicine//Science. 1977. № 4286. P. 129-136.
3. Фролова Ю.Г. Биопсихосоциальная модель как концептуальная основа психологии здоровья. //Философия и социальные науки: научный журнал. 2008. № 4. –С. 60-65.
4. Гуманистический подход к охране здоровья. / Отв.ред. Н.Берковитц. – М.: Аспект Пресс, 1998. –С. 254.
5. Гурвич И.Н. Значение социально-психологического знания в сохранении и укреплении здоровья. // Ананьевские чтения 2011. Социальная психология и жизнь: материалы научной конференции, 18–20 октября 2011 г., Санкт-Петербург / Отв. ред. А.Л. Свенцицкий. – СПб.: Изд-во СПбГУ. 2011. –С. 356–357.
6. Гурвич И.Н. Социальная психология здоровья. – СПб.: Изд-во СПбГУ, 1999.
7. George L.K. The Social Psychology of Health// Binstock R.H., George L.K.Handbook of Aging and the Social Sciences. – Academic Press, 2001. P. 219-235.
8. Klein W.M.P., Shepperd J.A., Suls J., Rothman A.J., Croyle R.T. Realizing the Promise of Social Psychology in Improving Public Health. // Personality and Social Psychology Review. 2015. Vol. 19 (1). P.77-92.
9. Lehman B.J., David D.M., Gruber J.A. Rethinking the Biopsychosocial Model of Health: Understanding Health as a Dynamic System//Soc Personal Psychol Compass. 2017. 11:e12328. <https://doi.org/10.1111/spc3.12328>.

10. Penner L. A., Hagiwara N., Eggly S., Gaertner S. L., Albrecht T. L. & Dovidio J. F. Racial healthcare Disparities: A Social Psychological Analysis// European Review of Social Psychology. 2013. Vol.24. No.1. P. 70-122.
11. Рассказова Е.И., Иванова Т.Ю. Мотивационные модели поведения, связанного со здоровьем: проблема «разрыва» между намерением и действием. // Психология. Журнал Высшей школы экономики. 2015. Т. 12. № 1. -С.105-131.
12. Slater R., Selcuk E. A Social Psychological Perspective on the Links Between Close Relationships and Health. //Current Directions in Psychological Science. 2017. Vol. 26 (1). P.16-21.
13. Stroebe W. Social Psychology and Health/ Wolfgang Stroebe. 2nd ed. – Buckingham: Open University Press, 2000.
14. Taylor S. The Future of Social-Health Psychology: Prospects and Predictions//Social and Personality Psychology Compass. 2011. 5/5. P. 275-284.
15. Traci M., de Ridder D., Kentaro F. Self-regulation of Health Behavior: Social Psychological Approaches to Goal Setting and Goal Striving. // Health Psychology, Vol 32(5), May 2013. P. 487-498.

РЕЗЮМЕ

Маколада саломатлик ижтимоий психологиянинг таянч муаммолари сифатида қараб чиқилган. Саломатликка қадриятли муносабатнинг социал-психологик омилларини ўрганиш соғлом турмуш тарзига ўргатиш дастурларини ишлаб чиқиш учун муҳимлиги кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются ключевые проблемы социальной психологии здоровья. Показано, что изучение социально-психологических факторов ценностного отношения здоровья является важным для разработки программ обучения здоровому образу жизни.

SUMMARY

The key problems of social health psychology are considered in the article. It is shown that the study of social psychological factors of valuable attitude towards health is important for working out of health education programs.

БЎЛАЖАК ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Г.Е.Карлыбаева - педагогика фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: бўлажак физика ўқитувчилари, инновация, компетенция, таълим-тарбия жараёни, билим, кўникма ва малака.

Ключевые слова: будущие учителя физики, инновация, компетенция, учебно-воспитательный процесс.

Key words: future physics teachers, innovation, competence, educacational-process.

Бўлажак физика ўқитувчиларини методик шакллантириш педагогик таълим жараёнида амалга оширилади. Педагогик таълим жараёни эса бўлажак физика ўқитувчисининг ижодий, ахлокий, маънавий, жисмоний потенциални шакллантиришга йўналтирилганлиги билан шахсни маънавий шакллантиришда ижтимоийлик касб этади, яъни таълимни ижтимоийлаштириш кишининг ўз-ўзини англашга имкон яратади.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да “... узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” белгилаб берилди [1:25].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг методик тайёргарлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини белгилаб олишимиз зарур:

- бўлажак физика ўқитувчиларининг методик тайёргарлик даражасини доимий равишда ошириб боришга эришиш мақсадида уларнинг назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган касбий фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий методлари соҳасидаги сўнгги ютуқларни ўрганиб бориш;

- замонавий педагогик, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг сўнгги ютуқларини чуқур ўрганган ҳолда бевосита таълим жараёнига амалий татбиқ этиш асосида мутахассислик бўйича малака талабаларини доимий такомиллаштириб бориш;

- бўлажак физика ўқитувчиларининг илмий фаолиятини янада самарали ташкил этиш борасида маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларни таҳлил қилишга ва илмий асослашга ўргатиш;

- малакавий амалиётни юқори савияда ўтказиш ва танланган объектларда битирув малакавий ишларни тажриба синовдан тўлоқанли бажарилишига эришиш орқали малакали педагоглар тайёрлаш [4].

Бўлажак физика ўқитувчилари келгусида ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнида дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарур бўлган таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.

Касбий компетентликка мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўника ва малакаларининг эгалланиши ва амалда юқори даражада қўллай олинди.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларининг эгалланишининггина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам назарда тутди, шунингдек, компетенция мутахассислик билимларни доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади [2].

Таълим жараёнига физикадан компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- давлатимизнинг келгусида жамият, фан, ишлаб чиқариш ва шахсни мустақил ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёшларга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондириш мақсадида бўлажак физика ўқитувчиларининг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги қўлланмаган вазиятларда ижодий қўллашга ўргатиш;

- физика таълим мазмунини муаммоли ўқув вазиятларини яратиш орқали ўрганиш асосида бўлажак физика ўқитувчиларининг фан асосларини ўрганишга бўлган эҳтиёжларини қондириш, қизиқишларини ривожлантириш, шахсий сифатларини таркиб топтириш;

- бўлажак физика ўқитувчиларининг ўқув-билиш фаолиятини аниқ физик объектларга қаратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишга ўргатиш орқали давлат таълим стандарти билан меъёрланган билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш баробарида

бўлажак физика ўқитувчилари томонидан ижодий фаолият тажрибаларининг эгалланишига эришиш;

- бўлажак физика ўқитувчиларини аниқ амалий фаолиятга тайёргарлигини орттириш орқали касбга, ижодий фаолият тажрибаларини ривожлантириш натижасида фан йўналишига йўллаш;

- физикадан ўзлаштирилган илмий-назарий билимларни аниқ ва жараёнли муаммоли вазиятларда амалиётда қўллаш орқали бўлажак физика ўқитувчиларини мустақил ҳаётга тайёрлаш имконияти мавжуд.

Инсон тарбияси ва уни ташкил этиш муаммоли кишилик жамият тараққиётининг барча босқичларида мутафаккирлар, педагог, психолог, физиолог олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Тарбиянинг устуворлиги, биринчи навбатда, Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган таълимий, ахлоқий асарлар мисолида ёритилганини кўриш мумкин. Қомусий олимлардан Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд Кошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг комил инсон тарбияси ва унинг моҳияти ҳақидаги қарашлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Муҳаммад ал-Хоразмий ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларида инсоннинг олий мақсадга эришиши, адолатли жамоа қуриши учун миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар воситасида тафаккурни шакллантириш, мантикий фикрлашни ривожлантириш лозим деган қонидани олға суради.

Абу Наср Форобий ўз асарларида таълим-тарбия, рағбат, танбех, ишонтириш, мажбурлаш, бахс, билим, малака ва кўникма каби педагогик тушунчаларга таъриф беради. Форобийга кўра, ўқитиш бу нафақат интеллектуал ривожланиш, балки умумий маънавий ривожланиш, жумладан, ахлоқий ривожланиш учун ҳам асосдир.

Бўлажак физика ўқитувчиси коммуникатив компетенцияни таркиб топтиришни назарда тутган ҳолда физика дарсларида таълим олувчиларнинг келгусида жамиятда мулоқатга киришиши учун зарур бўладиган оғзаки ва ёзма нутқни мукамал ўзлаштириши, ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этиш, дарслик ва кўшимча адабиётлардаги матн асосида мантикий кетма-кетликда саволлар тузиш, саволларга ёзма ва оғзаки жавоб ёзиш, ўз ўртоклари ва устозлари билан мулоқотда муомала маданияти меъёрларига амал қилиш, кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида гуруҳ аъзоларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрини баён эта олиш, жамоавий ҳамкорликда ишлай олиш, ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларига асосланган ҳолда ўз фикрини ҳимоя қилиш ва ишонтира олиш, дарсларда ташкил этиладиган ўқув бахслар ва турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш, ўз она тили билан бир қаторда хорижий тилларни ўзлаштиришга замин яратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида ахборот билан ишлаш компетенциясини таркиб топтириш мақсадида мавзуга оид ўқув ва видеофильмлардан фойдаланиши, кўшимча адабиётлар ва Интернет сайтларидан маълумотларни саралаш, шу асосда реферат, доклад ва тақдимот материалларини тайёрлаш юзасидан топшириқларни бериш орқали уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириши учун дарс, дарсдан ташқари ишлар ва экскурсиялардан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

Бўлажак физика ўқитувчисининг шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенциясининг таркиб

топтириш мақсадида мустақил ишлар ва таълимга эътибор қаратиш, таълим олувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш учун мавзулар бўйича стандарт ва ностандарт тест топшириқлар базасини яратишни, таълим олувчилар билан ўтказиладиган маънавий дақиқаларида жисмоний, маънавий, рухий ва интеллектуал камолатга эришишга йўналтириш талаб этилади.

Бўлажак физика ўқитувчиларида умуммаданий компетенцияларни ривожлантириш учун онги ва қалбига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали эстетик тарбияга эътибор қаратиш лозим.

Бўлажак физика ўқитувчиларида математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциясини таркиб топтиришда мустақил ва ижодий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ҳисоблашга доир физик масалалар, ностандарт ўқув топшириқлари билан ишлашни йўлга қўйиш лозим [3].

Ушбу компетенцияларнинг барчасини таъминлашни бўлажак физика ўқитувчиларининг педагогик фаолиятини ташкил этиш, методик ўз-ўзини ривожлантиришга нисбатан масъулятни янада оширишга хизмат қилади. Пировард натижада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва салоҳиятини оширишга эришилади.

Бўлажак физика ўқитувчиларининг методик компетентлигини ривожлантириш жараёнларида натижавийликни таъминлаш учун қуйидаги шартларнинг бажарилиши шарт деб ҳисоблаймиз:

- бўлажак физика ўқитувчиларнинг билими, кўникма ва малакаси ҳақидаги фикрларига илмий ёндашиш;

- бўлажак физика ўқитувчиларида методик компетентликини ривожлантириш учун зарурий ва қулай шарт-шароитлар яратувчи ижодий муҳитни вужудга келтириш;

- методик компетентликини ривожлантириш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини инобатга олиш;

- бўлажак физика ўқитувчиларда методик компетентликини ривожлантириш жараёнларига мураккаб инновацион педагогик тизим сифатида ёндашиш;

- методик компетентликини ривожлантириш жараёнларида бўлажак физика ўқитувчиларида ўз фаолияти самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва объектив баҳолаш (педагогик амалиётда) кўникмаларини шакллантирувчи рефлексив ёндашувни жорий этиш;

- методик компетентликини ривожлантириш жараёнларида шахсга йўналтирилган таъсири аҳамиятини ва ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш.

Мазкур белгиланган шартларга ва юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, бўлажак физика ўқитувчиларида методик компетентликининг ривожлантириш динамикаси ёки ижобий муваффақиятга интилиши шаклланганлик даражаси бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак физика ўқитувчиларида таянч, умумий ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтириш муаммоси методик педагогик компетенцияларига аниқлик киритиш ва педагогик кадрларни тайёрлаш жараёнида компетенциявий ёндашув талаблари асосида ўқув курсларининг мазмунини янгилаш, шу асосда ўқитишни ташкил этиш ва бошқариш давр талаби саналади. Бу эса ўз навбатида, олий таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнининг сифатли ташкил этилишини, малакали кадрлар тайёрлашда юксак самарадорликка эришишни кафолатлайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини

- янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ни Фармони. –Т.: «Адолат». 2017. 25-б.
 2. Муслимов Н ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: «SANO-STANDART». 2015. 4-5 б.
 3. Толипова Ж.О Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. –Т.: 2016. 18-б
 4. Шарипов Ш.С. Аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг замонавий методологияси: муаммо ва ечимлар мавзусидаги анжуман материаллари. –Т.: 2016. 10-б.

РЕЗЮМЕ

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини тизимли ташкил этиш - бўлажак физика ўқитувчиларининг методик компетентлигини оширишга, юқори малакали, меҳнат бозоридаги кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу мақолада малакали кадрлар тайёрлашда юксак самарадорликка эришиш учун таълим ва тарбия жараёнини сифатли ташкил этилишининг долзарб масалалари келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Системный организация учебного процесса высших образовательных заведениях - играет важную роль в подготовке высококвалифицированных конкурентно способных кадров на рынке труда, а также, повышения методической компетенций будущих учителей физики. В данной статье приводятся актуальные вопросы по организации высококачественного учебного и воспитательного процесса для достижения большой результативности подготовки высококвалифицированных кадров.

SUMMARY

Systemic organisation of the study process in higher educational institutions – plays great role in preparing high qualified competent specialists in job marketing and it also increases methodical competition of the future teachers of physics. This article gives actual issues of organization of excellent study process for achieving higher results in preparing higher qualified staff.

THE DEVELOPMENT OF THE READING CULTURE AMONG THE YOUTH

G.Kdirbaeva – a teacher, Doctor of Phd

A.Orazgalieva - student of the faculty of foreign languages

Nukus state pedagogical institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: китобхонлик, китобхонлик маданияти, синчиклаб ўқиш, интенсив ўқиш, бадиий адабиёт.

Ключевые слова: чтение, культура чтения, интенсивное чтение, начитанность, художественная литература.

Key words: reading, reading culture, intensive reading, extensive reading, literature.

Over the last twenty years the reading status, its role, the attitude of Uzbek society to it, as in many countries around the world, has changed dramatically. The decline of interest in reading is a worldwide trend of globalization of media and the rapid development of the entertainment industry, displacing reading and as a prestigious source of information and as a pleasant and prestigious form of leisure. The latest opinion of the population respondents show that not only pupils, but also among those categories of citizens who have higher education decreased interest in reading books significantly. With the appearance of electronic media begins a new era of neotribalism, "global village" when the world of a human will again become common, but this time only on a global level. Means of communication and information change, the way of thinking changes, behavior and forms of Association change too", conclude foreign scientists [1].

The problem of reading among students and young people is one of the urgent problems of our time [2]. Thus, We think reading should be encouraged. Reading is important because it empowers and emancipates the youth and books are the key to the world: both the real world and the fantasy world

Nowadays reading of students is in a state of ambiguous transformation (positive and negative), managed by among youth. Reading is important because it empowers and emancipates the youth Institute of higher education, socio cultural space, subjectivity of youth, the information revolution under the systemic transformation of the late 80-ies of XX – beginning of XXI c. [3].

Reading: According to the World Book Encyclopedia, reading is the act of getting meaning from printed or written words. According to Sentuwa reading is a learning skill which aids all other learning activities. In the context of this study, reading is the interpreting of meaning from printed words.

Reading culture: Developing a reading culture is an instrument for acquiring lifelong learning as noted by Mackenzie (2004), cited by Magara and Batambuze in 2005. This requires the ability to recognise access, evaluate and utilise information in the available literature or information materials. The ability to read and write alone cannot lead to a reading culture. Reading must play a significant role in a person's day-to-day life and become a

habit in order to constitute a reading culture. In the context of the study, reading culture refers to a way of life characterized by the habit of reading intensively and extensively.

